

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

РАҲИМОВА ШАХНОЗА

**ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ КИЧИК ЖАНРЛАРДА
ҚОФИЯ**

5А 220101 – Адабиётшунослик

(Ўзбек адабиётшунослиги) мутахассислиги бўйича
магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган

**МАГИСТРЛИК
ДИССЕРТАЦИЯСИ**



ИЛМИЙ РАҲБАР:

ПРОФ.С.МИРЗАЕВА

АНДИЖОН 2013

“Химояга тавсия этаман”

Иш раҳбари:

проф.С.Мирзаева

“-----”-----2013

“Химояга қўйишга рухсат
бераман”

Кафедра мудири:

проф.С.Мирзаева

“-----”-----2013

“Химояга тавсия этаман”

Расмий тақризчи:

“-----”-----2013

“Давлат Аттестатсия Ҳайъатига
химоя учун тақдим этаман”

Факультет декани:

“-----”-----2013

МУНДАРИЖА

Кириш.....	5
I БОБ.....	10
Биринчи фасл. Кичик жанрларнинг генезисига бир назар.....	10
Иккинчи фасл. Ўзбек поэзиясида қофия.....	15
II БОБ.....	27
Биринчи фасл. Сўз санъатининг маҳсули.....	27
Иккинчи фасл. Мақол ва маталларда қофия унсурлари.....	43
III БОБ.....	56
Биринчи фасл. Топишмоқлар- фольклорнинг мустақил жанри.....	56
Иккинчи фасл. Топишмоқларнинг бадиияти.....	64
Хулоса.....	68
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73

РЕЖА

Кириш

I БОБ

Биринчи фасл. Кичик жанрларнинг генезисига бир назар.

Иккинчи фасл. Ўзбек поэзиясида қофия.

II БОБ

Биринчи фасл. Сўз санъатининг маҳсули.

Иккинчи фасл. Мақол ва маталларда қофия унсурлари.

III БОБ

Биринчи фасл. Топишмоқлар- фольклорнинг мустақил жанри.

Иккинчи фасл. Топишмоқларнинг бадиияти

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Фольклор асарлари халқ ҳаётининг кўзгусидир. Боиси асрлар давомида халқимиз томонидан ижод этилгани мазмунан бой, шаклан гўзал бадиий бойлик ҳозирги кунда халқимизнинг ўзига, миллионлаб замондошларимизга хизмат қилмоқда. Дарҳақиқат, халқ оғзаки ижоди намуналарида минг йиллар оша яшаб келаётган халқимизнинг кўп асрлик ижтимоий-сиёсий ҳаёти, кураш ва интилишлари, мураккаб

тарихи ажойиб шаклларда ифода этилган. Буни Юртбошимизнинг биргина “Алпомиш” достони ҳақида айтган куйидаги сўзларидан ҳам билишимиз мумкин: “Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш “Алпомиш” достони миллатимизнинг ўзлигини номоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қахрамонлик қўшиғидир. Агар халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир дoston бўлса, “Алпомиш” ана шу дostonнинг шоҳ байти, десак, тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-момот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини доимо сақлаган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олийжаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган. Шу боис “Алпомиш” достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўрғонини кўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишга ўргатади. Бу ўлмас асарни халқимиз асрлар давомида яратган, ўз иймон-эътиқодидек асраб-авайлаган, қанча авлод-аждодаларимиз “Алпомиш” достони асосида тарбия топган, ўзлигини англаган, маънавий бойликка эга бўлган. Демак, халқимиз бор экан, Алпомиш сиймоси ҳам барҳаёт”.¹

Мана шу пурҳикмат сўзларнинг ўзи халқ оғзаки ижодига берилган жуда юксак баҳодир. Мустақиллик туфайли ўтган 21 йил мобайнида мамлакатимизда асрга татугулик ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок давлатимиз ва Президентимиз ўтмиш маданий меросимизни қайтадан тиклаш, одамларнинг қалбида тутқунликда ётган қадриятламизга кенг йўл очиш сиёсатини амалга оширдилар. Натижада миллат ўтмиши ва келажаги ҳақидаги мулоҳазалар, аждодларимиз кашфиётларидан ҳосил бўлган ғурур туйғуси халқимизнинг қалбидан ўрин ола бошлади: дин, маданий мерос, қадриятлар, миллий ғурур ҳақида ҳадиксирамай, баралла фахр ва ифтихор билан мулоҳаза юритиш имконияти яратилди.

Юртбошимиз фахр билан таъкидлаганларидек “Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлганлигини халқаро жамоатчилик тан олмакда ва эътироф этмокда. Бу табаррук заминда не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари бекиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

¹ И.Каримов.Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. “Маънавият”, 2008, 32-33- бетлар.

Бу кўхна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган сув иншоатлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган асори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Мамалакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд маданий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди”¹

Ҳа, мана шундай буюк маданий меросни ўрганиш, мана шундай буюк халқ авлоди бўлганлиги билан фахрланиш ҳиссини шакллантириш мамлакатимизда давлат миқёсига кўтарилган улкан вазифалардан бирига айланди. Шунинг учун ҳам халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш, уларнинг ҳар бир сатрини қалбларимизга жо қилиб олиш бугуннинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларидан биридир. Боиси халқ оғзаки ижоди намуналарида халқимизнинг ўтмиши, маданий бойлиги, миллий қадриятлари акс эттирилган. Биз халқ оғзаки ижодидан туғилганимизданок баҳраманд бўламиз: яъни оналаримизнинг аллаларини тинглаб улғаямиз. Кейинчалик ота-оналаримиз, бобо-бувилармиз бизларни севимли эртақлар оламига олиб киради. Бизга топишмоқ, тез айтишлар, мақол ва маталларни ўргатишади. Халқ қўшиқлари, дostonлар билан танишамиз. Хуллас, ҳаётимизни халқ оғзаки ижоди намуналарисиз тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида халқ оғзаки ижодига ва уни ўрганишга бўлган эътибор кучайтирилди.

Шу жиҳатдан олганда халқ оғзаки ижоди кичик жанрларида қофия масаласини ўрганиш ишимизнинг долзарблигини белгиловчи омиллардан биридир. Чунки биз кундалик турмушимизда ишлатиб келаётган мақол, матал ва топишмоқларнинг ўзига хос хусусиятлари, улардаги қофия қўлланилишини ўрганиш фольклоршунослигимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари. Биз ўз тадқиқотимизда кичик жанрлар деб аталмиш мақол, матал ва топишмоқларни ўрганиш, уларнинг маълум тараққиёт босқичи ва уларда қофиянинг қўлланилишини тадқиқ қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Бинобарин, ишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилади:

- халқ оғзаки ижодининг аҳамиятини кўрсатиб бериш;

¹ И.Каримов.Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008,30-бет.

- халқ оғзаки ижоди намуналарининг ғоявий-бадий ўзига хослигини мисоллар асосида шарҳлаш;
- мақол ва маталларда қофия ишлатишнинг ўзига хослигини кўрсатиб бериш;
- ўзбек халқ оғзаки ижоди қофия унсурларининг қўлланилишини таҳлилга тортиш;
- топишмоқларда қофия қўллашнинг ўзига хос усулларини ёритиш;
- халқ оғзаки ижоди кичик жанрларидаги қофия қўлланилишини ҳар томонлама тадқиқ этиш ва хулосалар чиқариш.

Тадқиқот манбалари. Битирув малакавий ишимизга “Ўзбек халқ мақоллари” ва “Топишмоқлар” китобини манбаа қилиб олдик.

Тадқиқотнинг методологик ва назарий асослари. Битирув малакавий ишимизга Президентимизнинг маънавият, мафкура, адабиёт борасидаги бир қатор асарлари назарий методологик манбаа бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, Ходи Зариф, Музайяна Алавия, Б.Саримсоқов, К.Имомов, Т.Мирзаев, О.Сафаров, Зубайда Хусаинова, Ғани Жаҳонгиров, Ражаб Жуманиёзов, Тўра Мирзаев, Малик Муродов, Асқар Мусақулов каби олимларнинг илмий ишлари ва рисоаларидан ҳам фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Халқимиз яратган дostonлар, эртақлар, кўшиқлар, мақол ва маталлар ҳамда топишмоқ каби жанрлар юзасидан маълумот ҳосил қилиш, улар ҳақида мустақил фикрни шакллантириш ўзбек халқ оғзаки ижоди фанининг вазифалари ҳисобланади.

Биз ишимизда халқ оғзаки ижоди кичик жанрларида қофия ва унинг қўлланилиши, унинг ўзига хос томонлари, мақол, матал ва топишмоқларда қофиянинг қўлланилиш шакли ҳақида фикр-мулоҳаза юритдик ва умумий хулосалар чиқардик. Биз қатор мақол-матал ва топишмоқларни таҳлилга тортдик.

Ишимизда келтирилган маълумотлардан халқ оғзаки ижоди, хусусан, мақол, матал ва топишмоқларни ўрганишга бағишланган дарсларда, анжуманларда, илмий маърузалар ва дарс ишланмалари тайёрлашда, мактаб, лицей ҳамда коллежларда ўтиладиган адабиёт дарсларида, семинарлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши. Битирув малакавий ишимиз кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ БИРИНЧИ ФАСЛ

КИЧИК ЖАНРЛАРНИНГ ГЕНЕЗИСИГА БИР НАЗАР

1991 йилда Ватанимизнинг мустақил деб эълон қилиниши ва ўнлаб мамлакатлар томонидан бу мустақилликнинг тан олиниши қадриятларимизга бўлган муносабатда янги давр очди.

Қадриятлар қадрланган юрт ҳамиша буюк бўлади, унинг келажаги порлоқ бўлади. Чунки қадриятлар инсонни мардликка, жасурликка ва одамийлик сабоқларидан ибрат олишга чорлайди. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ қадриятлар масаласига алоҳида эътибор қаратганлиги бежиз эмас. Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон буюк келажак сари” асарининг “Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий –ахлоқий негизлари” деб номланган бўлимида Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг йўли тўртта асосий негизга асосланиши кўрсатиб берилган.

Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик¹, деб белгилаб қўйилган.

Президентимиз ўз асарида халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг муҳим вазифаси эканлигини алоҳида кўрсатиб берди. Маънавий рух халқ қадриятларини қадам-бақадам ўзлаштиришда намоён бўлади.

Халқ оғзаки ижоди эса асрлар давомида қадриятларимизнинг таркибий қисмини ташкил этади. Зеро, “Ўзбек халқининг юксак миллий кадр-қиммати, ор-номуси ва шон-шарафи, унинг ўта меҳрибонлиги ва соф виждонлигига асослангандир. Айни чоқда: Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматини тарбияламасдан туриб, ўз халқи миллатларининг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас”.²

Бунинг учун биз биринчи галда халқ оғзаки ижоди намуналари билан яхши таниш бўлишимиз, уларнинг қат-қатига сингиб кетган халқ дурдонларини қалбларимизга жо қилиб олишимиз керак. Чунки халқимиз ўз авлодига инсоният тарихидаги энг ибратли фазилатлар мерос бўлиб қолишини орзу қилган. “Алпомиш”, “Гўрўғли” туркуми дostonларида шахс ғурури, Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат, элга хизмат қилиш истаги етакчи ғоя даражасида илгари сурилади. Бу асарларда ватанга ҳиёнат қилгандан кўра ўлимни афзал билган, ватанининг шухратини оламга таратган, унинг тинчлигини таъминлаш борасида жон қуйдирган Гўрўғли, Равшан, Алпомиш каби халқ ботирлари мадҳ этилади. “Маликаи Ҳуснобод”, “Озодчехра”, “Болтакай ботир”, “Қирон ботир”, “Сусанбил” каби эртакларда озод ва фаровон ҳаёт, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ғоялари улуғланади. Ҳатто ўзбек халқ эртакларида Қорун, Ҳотамтой, Искандар, Луқмон, Ибн Сино, Навоий каби тарихий шахсларнинг номлари ҳам қайд этилади.

Халқ ўзи яратган эртак ва дostonларида халқнинг меҳнатини, унинг кўрсатган қаҳрамонлигини тасвирлайди. Шу билан бирга халқ қаҳрамонлари билимдон, тадбиркор, ақлли ва ҳозиржавоб қилиб тасвирланади. Уларнинг халқпарварлиги алоҳида

¹Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.Т., “Ўзбекистон”, 1998,65-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.Т., “Ўзбекистон”, 1998,66-бет.

таъкидланади. Улар доимо кишиларга ёрдам берувчи, мушкулларин осон этувчи, эл-юрт гами билан яшовчи шахслардир. Шунинг учун ҳам улар енгилмас ҳисобланади.

Маълумки, ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ халқ томонидан бадиий асарлар яратила бошлаган. Бу асарларда одамлар ўзларининг ҳис-туйғу ва орзу-умидларини ифодалаганлар. Бу даврларда яратилган турли-туман мифлар, халқ қўшиқлари диний тушунчалардан, турли тотемистик қарашлардан ҳоли бўлмаган, албатта. Ана шу диний характердаги оғзаки ижод намуналари билан бир қаторда маиший мавзудаги афсоналар, латифа ва эртаклар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳали тўла маънодаги фольклор жанрлари сифатида шаклланган эмас эди.¹

Халқ эртакларида ибтидоий жамоа даври ҳаёти билан боғлиқ бир қатор мотивлар кўзга ташланади. Демак, эртакларнинг вужудга келишида ҳаёт ҳақиқатлари, мифлар, афсона ва бошқа турдаги эртаклар кучли таъсир кўрсатган. Айрим ҳаётий эртаклар сюжети жуда қадимий бўлиб, уларнинг яратилиши узоқ даврларга бориб боғланади.

Шундай қилиб, фольклор намуналари йиллар оша такомиллашиб, сайқал топиб борди. Натижада халқ дostonлари, эртаклар, қўшиқлар, мақоллар, аския, лоф ва бошқа жанрлар деб аталмиш халқ оғзаки ижоди жанрлари пайдо бўла бошлади.

Қадим замонлардаёқ таниқли адабиётшунос олимлар сўз санъатининг уч тур-эпос, лирика ва драмадан иборат эканлигини аниқлаганлар.

Эпос- юнонча “епос”- ривоя, хикоя, қўшиқ сўзидан иборат бўлиб, сўз санъатида бирор хикоя, воқеани баён қилиш ёки ҳаётий лавҳани ифодалаш маъносини англатади. Умуман, ҳамма халқларнинг оғзаки ижодида эпос ёки эпик жанрдаги асарлар мавжуд бўлиб, улар эртаклардан, афсоналардан, русларда блиналардан, туркий халқларнинг кўпчилигида дostonлардан иборатдир. Аммо шу билан бирга ўзбек халқ оғзаки ижодидаги миф, афсона, ривоят, эртак, нақл, лоф, тарихий қўшиқлар, терма, дoston каби жанрларни эпик жанрлар деб аташ мумкин. Шу билан бирга мақоллар, топишмоқлар каби атамалар билан юритиладиган асарларни ҳам, профессор Б.Саримсоқов махсус тур деб атайди. Ҳақиқатдан ҳам, уларда маълум даражада эпиклик, яъни қайсидир ҳаётий лавҳа юзасидан маълумот бериш белгиси мавжуддир.

Лирика эса инсон ҳаётида, табиатида рўй берган бирор ҳодиса, лавҳадан таъсирланиш натижасида унга нисбатан пайдо бўлган муносабатни ички кечинмалар, ҳис-туйғулар воситасида ифодалашдир. Лирика ўзида ички кечинмаларни ифодалаш хусусияти билан эпик асарлардан фарқ қилади.

¹ Анисимов А.Ф. Духовная жизнь превобытального общества. М., -Л., 1966, С.51.

Драма эса ҳаракат маъносини билдиради. Драматик асарлар сахна билан боғлиқ бўлади. Бу асарларнинг ижрочилари фақат гаплари билангина эмас, нутқларидаги интонациялар, юз, бош, қўл ҳаракатлари билан образга киришади. Оқибатда томашбин тингловчиларни ўзига жалб қиладиган томоша кўриниши вужудга келади. Ана шундай хусусиятларни ўзида мужассам этган жанрлар драматик жанр ҳисобланади.

Фольклор жанри учун бир қатор анъанавий мавзулар ҳам умумий ҳисобланади. Масалан, Ватан мавзуи “Алпомиш”, “Равшан” каби достонлар ва “Она юртинг омон бўлса, рангу рўйинг сомон бўлмас” каби мақолларни бирлаштириб туради. Ростгўйлик, меҳнатсеварлик, адолат, илм-хунар эгаллаш каби мавзулар ҳам ўз навбатида бир қатор достонлар, эртаклар, мақолларни жамлайди.

Халқ оғзаки ижодида анъанавий эстетик жиҳатлар умумий ҳисобланади. Жумладан, деярли ҳамма жанрлардаги асарлар соддалиги, баъзан бошқа-бошқа намуналарнинг бир мавзуга бағишланиши (“Тоҳир ва Зухра” эртаги ва достони), эпик асарлар сюжети ва композициясидаги яқинликлар ва, ҳатто бир неча жанрларга оид намуналарда ўхшатиш, сифатлаш, муболаға каби тасвир воситаларининг ўхшашлиги фикримизнинг далилидир. Халқ оғзаки ижоди жанрлари, уларнинг таркиби ҳақида гап борар экан, жанрларнинг ўзаро муносабатларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Аввало жанрлараро муносабатлар ўта мураккаб жараён эканини назарда тутиш керак. Маълумки, ўзбек халқ оғзаки ижоди дунёдаги энг қадимий сўз санъати намунасига оид асарлардан ташкил топган. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, эрамиздан кейинги иккинчи минг йилликнинг ўзида оғзаки ижодимиз маҳорат жиҳатидан жуда кўп ҳаётий синовларга дуч келган. Натижада, кичик жанрлар деб аталмиш мақол, матал, топишмоқлардан бириккан эпик асарлар майдонга келган бўлиши мумкин. Айни пайтда достон, эртак, қўшиқ каби жанрларни ўрганиш бу турга мансуб асарларнинг маълум тараққиёт босқичи натижаси сифатида баҳолашга асос беради. Жумладан, достоннинг шаклланиши ва ривожланишида мифологик дунёқараш элементлари, ривоят каби қадимий турларнинг таъсири аниқ сезилади.

Халқ оғзаки ижодидаги асарларда бир жанрга мансуб бошқа ҳажм жиҳатидан катта асарларда учраши табиий ҳисобланади. Масалан, “Алпомиш” достонида ўнлаб мақол ва маталлар қайд этилган. Шунингдек, бир қатор эртаклар борки, уларда турмушга чиқадиган қизнинг шарт қўйиш баҳонаси билан топишмоқ намуналари ўрин олган. Баъзан эса қолиплаш санъати қўлланган эртакларда турли нақл ва афсоналар учрайди. Ҳатто айрим эртак матнларида лирик қўшиқ намуналари келтирилганлигига гувоҳ бўламиз.

Халқ оғзаки ижоди бевосита бу санъат намуналарини яратган халқнинг ижтимоий, маданий, иқтисодий ҳаёти билан узвий алоқададир. Халқимиз тарихидаги муҳим воқеалар

айрим жанрларнинг йўқолиб боришига сабабчи бўлган. Кичик жанрларга кирувчи мақол, матал ва топишмоқлар бизнинг замонамизга келиб ҳам ўзининг шакли ва мазмунига мос равишда оғзаки ижод хазинасидан муносиб ўрин эгаллади. Бинобарин, кичик жанрларни ўрганиш жараёнида мазкур жанрларнинг ғояси, тарбиявий аҳамияти, эстетик жиҳатлари билан бир қаторда жанр хусусиятлари ва бадииятига аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

ИККИНЧИ ФАСЛ

ЎЗБЕК ПОЭЗИЯСИДА ҚОФИЯ

Кичик жанрлар бадиияти, уларда қофия қўлланилишининг ўзига хос томонлари ҳақида фикр юритишдан олдин қофия ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Қофия турли халқлар поэзиясида турлича мавқега эгадир. Масалан, французларда шеър қофиясиз бўлиши мумкин эмас. Инглизларда эса шеър қофиясиз ҳам, қофияли ҳам бўлиши мумкин. Италиянларда ҳам, немисларда ҳам шундай. Рус поэзиясида эса қофияга алоҳида эътибор берилади. Шарқ халқлари поэзиясига келсак, жумладан, араб тилида шеър қофиясиз бўлмаган. Чунки араблар шеър деб фақат қофияли сўзларни айтганлар. Араблар йўлидан борган форслар ва сурияликларда ҳам қофия яхши тараққий этган.

Ўзбекларнинг энг қадимги замонда ёзилган шеърларида ҳам қофия борлигини кўрамыз. Ўзбек тили ва умуман турк тиллари луғатга бойлиги, грамматик шаклларнинг кўплиги жиҳатидан ҳеч бир тилдан қолишмайди. XI асрда яшаган машҳур олим Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девону луғатит турк” асарида турк тили билан араб тилини маълум маррагача баробар чопишиб, баробар етадиган икки отга ўхшатади, яъни у туркий тиллар араб тилидан ҳеч бир қолишмаслигини кўрсатади.

Алишер Навоий “Муҳокаматул- луғатайн” асарида луғат бойлиги жиҳатидан ўзбек тилининг форс тилидан устунлигини исботлашга киришганда, лафзлар кўплиги, иборатлар кенглиги ва адолари силлиқлигини кўрсатиб, форс тилидаги шеър санъатларнинг ҳаммасини ва бадиия ифодаларнинг турлисини қўллашда бу тилнинг (ўзбек тилининг) ҳеч бир камчилиги йўқлигини айтади ҳамда ўзбек поэзиясида қофия хусусида бир қанча

имкониятлар борлигини кўрсатади. Мана шундай хусусиятларга ва ҳар тарафлама имкониятларга эга бўлган бу тилнинг поэзиясида қофиянинг кенг ўрин олиши табиийдир ва қофия ўзбек поэзиясининг доимий бегадидир.

Қофия арабча сўз бўлиб, “кетидан борувчи, эргаштирувчи” маъносини англатади. У адабиёт илмида мисралар ёки байтларнинг охирларида айтилишлари ўхшаш, маънолари турлича бўлиб такрорланадиган бўлакларга айтилади.

Қофия аслида равий деган бир ҳарфдан иборат бўлиб, аввалида таъсис, даҳил, ридф ва қайд исмлари билан ва равийдан кейин васл, хуруж ҳамда мазид, ноира исмлари билан киритиладиган ҳарфлар келади. Бу ҳарфлардан энг зарурийси равий бўлиб, усиз қофия бўлмайди, қолган ҳарфларнинг бўлиши эса зарурий эмас.

Араб ва форс тили фонетикасига асосланган бу қофия ҳарфларини ўзбек тили фонетикасида ифодалаш ҳаракатли ундош, ҳаракатсиз ундош, чўзиқ унли ва қисқа унли терминларини қўллашга тўғри келади.

Ҳаракатли ундош –бўғинни бошловчи ундошдир. Масалан, тоғ, қир, чўл бўғинларини бошловчи т, қ, ч ҳаракатли ундошлардир.

Ҳаракатсиз ундош – бўғинни тамомловчи ундошдир. Масалан, юқоридаги бўғинларда ғ, р, л ҳарфлари ҳаракатсиз ундошлардир.

Узун ва қисқа унлиларни таърифлашнинг ҳожати ҳам йўқ. Умуман, ўзбекча сўзларда қўлланган унлилар қисқа айтилади. Кўпчилик араб ва форс сўзларидаги қўлланган унлилар узун айтилади. Масалан, қалб, дил ва гул сўзларидаги биринчи унли а, и ва у унлилари қисқа унлилар бўлиб, арабча ҳузур сўзидаги биринчи унли қисқа, ва иккинчи “у” унли узундир. Форсча афтода сўзидаги иккинчи бўғин охиридаги о узун унли бўлиб, учинчи бўғин охиридаги а қисқа унлидир. Охириги бўғини чўзилиб айтилган ўзбекча борди-ку сўзида биринчи бўғиндаги о ҳам, иккинчи бўғиндаги и ҳам қисқа унли бўлиб, учинчи бўғиндаги у чўзиқ унлидир.

Равий – арабча “риво” сўзидан олинган бўлиб, “туяга юк боғлайдиган арқон”га айтилади. Гўё байтга қофияни шу ҳарф билан боғлайдилар.

Равий ҳаракатсиз ундош ёки узун унли ҳарфлардан ва баъзан қисқа унлилардан ҳам ҳосил бўлади. Қофия равийдан бошқа ҳарф бўлмаса қофияи мужаррада дейилади. Бу хил қофияда равий кўпинча ундошдан иборат бўлади. Масалан:

Ишқидин ёнса таним, сўрма сабаб,

Куйса хошок ёлиндин не ажаб. /Навой/

Қолган қофиядош мисралар охирида мураккаб, мактаб, лаб, адаб, талаб, тараб сўзлари келтирилган. Демак, бу қофияда равий б ҳарфидир.

Равий ҳаракатсиз ундош бўлганига яна бир мисол:

Мард оталар авлодисен, баҳодир!

Арслон кучи билан тўлсин ҳар томир

Ўқ ёмғирин, ўлим дўлин ёғдириб,

Қутурган итлар галасин тоза қир!

/Ойбек, “Йигитларга”/

Бу шеърда баҳодир, томир ва қир сўзлари қофия қилинган, р
ҳаракатсиз ундоши равийдир.

Равий узун унли бўлганига мисол:

Равшандурки, меҳр юзингдин олур сафо,

Йўқса, не важҳ ила қамар андин топуз зийо. /Навоий/

Қолган қофиядош мисраларнинг охирлари оно, наво, фано, даво, бало, мубтало сўзлари билан тамом бўлган. Бунда равий ҳарфи о бўлиши маълум. Ёки:

Элдошлар оғзига бол қуйгучимиз,

Қондошлар, киясиз янги саруфо.

Ўз сўзли ўзбекнинг ваъдаси битта:

Минг карра минг тонна пахта жо-бажо

Бунда саруфо билан жо-бажо сўзлари қофия қилинган. Демак, равий о узун унлидир.

Равий қисқа унлидан бўлганга мисол:

Бу ўлкада қалбларнинг тоза

Ва поклари келиб учрашар.

Одам топган бахтни овоза

Қилиб гуллар, булбуллар яшар.

(Ҳ.Олимжон, “Дарё тиниқ, осмон беғубор”)

Бунда тоза сўзи билан овоза қофия қилинган. Равий бу сўзларнинг охиридаги а қисқа унлисидир.

Қофияда равийдан бошқа ҳарф бўлмаса қофияи муҷаррада, яъни “ялонғоч қофия” дейилади.

Қофияда равий ҳарфи сўзнинг асли (ўзаги) ёки асллашган (ўзаклашган) қисми охиридан олинади. Масалан, вафо сўзи билан жафо сўзи қофия қилинса, равий ф ҳарфи

бўлмасдан, о ҳарфи бўлади; агар вафодор сўзи билан жафокор сўзлари қофия қилинса, равий р ҳарфи бўлади.

Ридф- “мингашиш” маъносида. Қофия илмида ундош равийдан олдин келган узун олдинга ридф , ридфли қофияга эса **қофияи мурадлафа** дейилади.

О ридфли қофияга мисол:

**Жаҳтим андоқтур етишгайменму деб васлинг бот,
Ким қабул этмон, оғир деб чиқса эғнимдин қанот.**

/Навой/

Қолган қофиядош мисралар охирида бот, сабот, ҳаёт, уёт, закот, набот сўзлари келган. Бу ғазалдаги т равий ва о ридф эканлиги равшандир. Яна:

**Мен сизги атиги гул бердим холос,
Сиз бахш айладингиз менга бир шаҳар.
Фарғонали йигит ботирларга хос
Мағрур қад кўтарди, куларди саҳар.**

/Уйғун “Учрашув”/

Бунда холос ва хос, шаҳар ва саҳар сўзлари қофия қилинган. С ва р ундошлари равий, унинг олдидаги о ва а ҳарфлари ридфдир.

У ридфли қофияга мисол:

**Деди: қосилки, йўқ-йўқ, сизга мактуб,
Ёзилган сўз тамоми сизга мансуб.**

/Фурқат “Суворов”/

Бунда мактуб сўзи билан мансуб қофияланган бўлиб, б равий, ундан кейинги у узун унлиси ридфдир.

И ридфли қофияга мисол:

**Майдан айру гул эмас, гўё эрур гулгун ҳарир,
Ким кийиб гул ҳайъати бирла сепибдирлар абир.**

/Навой/

Кейинги қофиядош мисраларда пазир, сарир, дастгир, нафир, асир, замир сўзлари қофия қилинган. Демак бу қофиядан равий р ҳарфи бўлиб, ридф и ҳарфидир.

Қайд - боғлаш маъносини англатиб, қофия илмида равийдан олдин келган ҳаракатсиз ундош ҳарфга айтилади. Бу ҳарфнинг олдида ҳар вақт қисқа унли ҳарф туриб, бунинг ҳам қофиядош мисраларнинг ҳар бирида такрорланиши керак бўлади. Бундай қофияга қофияи **муқайяда** номини берадилар. Мисол:

Оразинг муштоқидур бу кўзки бўлмиш дардманд,

Гарчи бордур дардинг кўзга ёруғликдин газанд.

/Навоий/

Бу байтдаги дардманд-газанд қофияларида равий д ҳарфи бўлиб, бунинг олдида такрорланиб келган н ҳарфи қайддир. Яна бир мисол :

Қилди маскан ўзига мулки Хўжанд,

Айшнинг манзарасин қилди баланд.

/Муҳаммад Солиҳ “Шайбонийнома”/

Бунда Хўжанд сўзи билан баланд сўзи қофия қилинган д ҳарфи равий, бунинг олдида такрорланиб келган н ҳаракатсиз ундоши қайддир.

Таъсис – “асосламоқ, мустаҳкамламоқ” маъноларини англатади. Қофия илмида равийдан олдин бир ҳаракатли ундош бўлиб, ундан илгарида бир узун о /алиф/ келади. Бундай қофияга, **қофияли муассаса** ёки мустаҳкамланган қофия дейилади. Масалан, зойил билан қойил, қобил билан қотил сўзлари қофия қилинса таъсис бўлади.

Арабларнинг фасиҳ шоирлари қофиядош мисраларнинг бирида таъсис келтирсалар, бошқаларида ҳам бўлишини лозим кўрадилар.

Аммо форс ва ўзбек шоирлари буни лозим топмайдилар. Масалан, маҳбил билан манзил, оқил билан қотилни қофия қила берадилар. Жомий ва Навоий баъзан шундай келади. Буни қуйидаги ғазалда равшан кўрамиз:

Икки кўз манзилинг, эй моҳи маҳлил,

Кўнгилга азм қил манзил-ба манзил.

Кўзинг қотилдур, аммо захри чашманг

Эрур ўлтурмакимга захри қотил.

Эшикингда ёзармен оҳлар лек,

Бўлур бир оҳ чексам, барча зойил.

Мени Мажнун деди Лайливашим, вой,

Ким бу девонани соғинди оқил.

Кўзинг чун Нимхоб эрди не тонг, гар

Кўнгул сайдини қилди ними бисмил.

Эрур бу бир ҳол бирла мабдаги файз

Санга гар етмас, ўзин дема қобил.

Навоий ўзлукинг дафъ этки ул сал,

Эрур мақсуд руҳсорига ҳойил.

Бу ғазалда қофия қилинган сўзлардан баъзиларгина, яъни қотил, зойил, оқил, қобил ва қойилларда таъсис бўлиб қолган қофиялар /маҳлил, манзил, бисмил/ да таъсис йўқдир.

Дажил – орага кирувчи, бошқаларни ишига аралашувчи маъноларини ифодалайди, қофия илмида дахил деб равий ҳарфи орасида келган ҳаракатли ундош ҳарфга айтилади. Масалан, юкорида қойил ва зойил қофиясидаги л ҳарфи равий, о узун унлиси таъсис ҳарфи бўлиб, такрорланган й ҳарфи дахил бўлади. Аммо қотил сўзи билан қофия қилсак, бундан таъсис бўлса ҳам, дахил бўлмайди.

Васл - уланиш маъносини билдиради. Қофия илмида равийдан сўнг такрорланадиган ҳарфга васл ва васлли қофияга **қофияи муасасала** дейилади. Васл кўпинча ҳаракатсиз ундош ёки узун унли бўлиб келади. Васл ҳаракатсиз бўлганига мисол:

**Бўлмиш андоғ мункати ахлий замондин улфатим,
Ки ўзум бирла чиқишмас ҳам замоне суҳбатим,
//Навоий/**

Бунда т ҳарфи равий, им эгалик қўшимчасидаги м ҳарфи васлдир.

Яна:

**Нетай кимга айтай ҳолу дардим,
Сенга еткура билмам рўйи дардим.
/Мажлисий, “Қиссаи Сайфуи-Мулк”/**

Бунда дард билан гард сўзлари қофия қилинган д ҳарфи равий, м ҳарфи васлдир.

Васл узун унли бўлганига мисол:

**Хирад бошин уруб девлохи,
Куруғ шох анда ҳар бир дев шох.
/Навоий, “Фарҳод ва Ширин”/**

Бунда девлохи билан шохи қофия қилинган, х ҳарфи равий, и узун унлиси равийдир.

Хуруж - “чиқиш” маъносида. Қофияда васлдан сўнг такрорланган и ҳарф. Бу ҳарф кўпинча ҳаракатсиз ундош ёки унли бўлади.

Мисол:

**Меҳр эмас машъал ёрутқон қалъаи афлокидин,
Ким алакна солди ўт рухсори оташнокидин.
/Навоий/**

Бу қофияда к ҳарфи равий, о ҳарфи ридф, д ҳарфи васл, и ҳарфи хуруждир. Яна:

**Сурати девордек хайронман ул рухсорға,
Йўкса ғамзанг ўқлари тикмиш мени деворға.
/Навоий/**

Бу қофияда р ҳарфи равий, о ҳарфи ридф, ғ ҳарфи васл, а ҳарфи хуруждир.

Мазид-“ортирилган” маънода. Қофия илмида хуруж ҳарфидан сўнг такрорланадиган ҳарфдир. Мисол:

**Хуснунга ҳайратдин ўлди барча бесмонлиғим,
Мен киму сомон, чу ортар ҳар нафас ҳойронлиғим.**

/Навоий/

Бунда н ҳарфи равий, л ҳарфи васл, ғ ҳарфихуруж ва м ҳарфи мазиддир.

Яна бир мисол:

**Гўзал ёримга, эй боли сабо, еткур саломимни,
Ким элтар сандин ўзга, ёр куйига паёмимни ?**

/Нодира/

Бу қофияда биринчи ҳарф равий м , иккинчи и ҳарфи васл, н ҳарфи хуруж ва и узун унли мазиддир.

Ноира - “узун четга олувчи” маъносида. Қофияда мазиддан сўнг такрорланадиган ёки энг сўнг келадиган ҳарфдир. Мисол:

**Висол аҳли сизу жоми муроду камронлиғлар,
Бизу ғам кунжиу хуноб ҳажру нотовонлиғлар.**

/Навоий/

Бу қофиядаги и ҳарфи равий, унинг олдидаги о ридф, ғ ҳарфи хуруж, л ҳарфи мазид ва р ҳарфи ноирадир.

Шу ўринда радий ҳижоб масаласига ҳам тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Радиф - “мингашувчи” маъносини англатади. Қофия илмида қофиядош мисраларда қофия ҳарфларидан кейин такрорланадиган бир ёки бир неча сўзга радиф дейилади. Бир радифли қофияга мисол:

**Ғаним келса, хону-мону кул бўлур,
Ўз юртида пачоқлаш маъкул бўлур.**

Бунда кул сўзи билан маъкул сўзи қофия қилинган. Л ҳарфи равий ва ундан олдин келган у ҳарфи радиф ва такрорланувчи бўлур радифлардир.

Икки радифли қофияга мисол:

**Тарменга бор эрса ул дийдори зебо бирла уни,
Ул муҳикдур тутмаса мен зори расво бирла уни.**

Бу байтда зебо ва расво сўзлари охиридаги о ҳарфлари равий бўлиб, бирла уни сўзлари радифлардир.

Уч радифли қофияга мисол:

Хилъатин то айламиш жанон қизил, сориг, яшил,

Шуълайи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Бу байтда жанон ҳам ҳайрон сўзларидаги н ҳарфлари равий, о ҳарфлари ридф бўлиб, мисраларда такрорланган қизил, сориг, яшил сўзлари радифлардир.

Ҳожиб - дарвозабон маъносида. Қофия илмида қофиядош мисраларнинг қофия ҳарфларидан олдинда такрорланадиган бир ёки бир нечта сўзга ҳожиб дейилади. Мисол:

Ганжа ватан кўнгулни онинг ганж хез,

Хотири ганжури дили ганж рез.

Бу байтда хез билан рез сўзлари қофия қилинган, з ҳарфи равий, е ҳарфи ридфдир. Қофияга олинган сўзлардан илгари такрорланган ганж сўзи ҳожибдир.

Қофия илмида қофия хатолари ҳам мавжуд бўлиб, қофияда бўладиган хатоларнинг машҳурлари тўртта бўлиб, улар иқво, иқфо, синод ва ийто номлари билан юритилади.

Иқво - арабча “ёгулик кўрини тамомлаш” маъносида бўлиб, қофия илмида шоирнинг равий ёки қайд ҳарфлари юқоридаги қисқа унли турлича қилиб келтиришни билдиради. Гўё шоир ҳам қофия кўрини тугатиб, шунда етишмовчиликни қилишга мажбур бўлади. Масалан: форсий сўзларидан гулги гил билан, даврни дур билан қофия қилади.

Иқфо - “монанд қилиш” маъносини англатади. Қофия равий ёки қайд ҳарфларини маҳражлари яқин бўлган бошқа бир ҳарф билан солиштириш. Масалан, эҳтиёт сўзи билан эътиқод сўзини қофия қилиш.

Синод - “турланиш” маъносида. Қофия илмида ридфнинг турлича бўлиши . Масалан, замон билан заминни қофия қилиш каби. Биринчи ридф о, иккинчи и бўлади. Араблар бир мисрада у ни, яна бир мисрада и ни ридф қилишни хато ҳисоблайдилар. Масалан, амуд, амидни қофия қила берадилар.

Ийто - арабча “оёқ ости қилиш” маъносида. Қофия илмида қофияга олинган сўзни бир ёки икки маротаба қайтариш. Навоийда бу хатолардан олдинги учтаси ҳеч бир кўринмаган ҳолда ўзбек тили шеърини хусусиятидан бўлса керак, тўрттинчисига ғазалларида, айниқса ридфли ғазалларида йўлиқамиз. Бу ҳол ҳозирги ўзбек шоирларимизда умумлашган ҳолатдир.

Юқоридаги хатолар қофия соҳасидаги имкониятларни билмасликдан келиб чиқади. Қофия хусусида ўзбек поэзияси қадимдан анчагина кенгчиликларга эга.

1. Ўзбек шоирлари вазн ва қофия учун узун о ни қисқа а билан , узун “у”ни қисқа у билан ва узун “и”ни қисқа и билан алмаштиришлари мумкин. Навоийнинг

“Муҳокаматул-луғатайн” асарида айтилишича, ўзбек поэзиясида арони саро билан қофия қилинганидек, о ни қисқа а га алмаштириб, сара сўзи билан қофиялаш мумкин. Яна эрур сўзида у унлисини қисқа ўқиб, хур ва дур сўзлари билан қофия қилгандек, узун ўқиб, зарур сўзини олайлик. Бунда и ни қисқа ўқиб, қодир ва содир сўзлари билан қофиялаш мумкин бўлганидек, узун ўқиб, тағйир ва таъхир сўзларига ҳам қофия қилиш имкони бор.

2. Классик ўзбек поэзиясида кенг тарқалган туюқ баҳрида лафзлари бир хил, маънолари бошқа бўлган сўзларни бир-бирига қофия қиладилар. Мисол:

**Тиғи ишқнинг ёрасидур бутмаган,
Дардини ҳар кимга айтиб бутмаган,
Ҳажр саҳросида ишқим ўтидин,
Анда гул ёхуд гиёҳе бутмаган.**

/Навоий/

Бу шеърда ҳар қайсиси бошқа-бошқа маъноларда учта бутмаган сўзи қофия қилинган. Т ҳарфи равий, м ҳарфи васл, г ҳарфи хуруж ва н ҳарфи мазиддир.

3. Баъзан радиф ҳарфларини турлича қилиб келтирадилар.

Мисол:

**Сўрасанг, Тақали Ёвмут эл бўлсин.
Қуш солсанг, сўнали ўрдак кўл бўлсин.**

/Эргаш Жуманбулбул ўғли, “Равшан”/

Бунда эл билан кўл сўзлари қофия қилинган л ҳарфи равий, ридф ҳарфи бирида э ва иккинчисида ў бўлган.

4. Шоир баъзан қофияда равий ҳарфининг айтилишича ўзига яқин товушлар билан алмаштиради.

Мисол:

**Кўчаддан ўтарди жангчилар сабот,
Матонатга тўлиб музаффарона...
Фарғоналик йигит ўтар эди шод,
Кўзлари ғалаба нурига қона.**

(Уйғун, “Учрашув”)

Бу мисолда сабот ва шод қофияларини олсак, бирида равий ҳарфи т бўлиб, иккинчисида айтилиши унга яқин бўлган д ҳарфидир.

5. Шоир қай бир вақтларда қофияга олинган сўзни бир ёки икки марта қайтаради. Буни Навоий, Мирзо Бедил каби улуғ зотларда ҳам учратамиз.

6. Ғазал ва қасидаларнинг баъзи мисраларида радифни қофияга ҳисоб қиладилар.

7. Ниҳоят, классик шоирларнинг қофия қўллашларига қараганда, қофия ҳарфлари ҳар вақт ҳаракатли ва ҳаракатсиз ундошлар ёхуд узун унли бўлиши керак эди. Ҳозир шоирларнинг шеърларида қофия қарорлари қисқа унли ҳам бўлиб келади. Бунга қараганда, равий, васл, ҳуруж, мазид ва ноираларнинг ҳар бирида биттадан ихтимол қўшилиб, ҳозирги ўзбек поэзиясининг қофия имкониятлари янада кенгаяди.

Ўз навбатида қофия халқ оғзаки кичик жанрларнинг таъсирчанлигини ошириш ва оҳангдорлигини таъминлашда ва унинг бадииятини оширишга ҳизмат қилиб келади.

II БОБ

БИРИНЧИ ФАСЛ

СЎЗ САНЪАТИНИНГ МАҲСУЛИ

Халқ тарих ва маданиятини, моддий ва маънавий бойликларини яратувчи буюк кучдир. Ҳар бир халқ асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба тўплайди, шу тажрибани турли воситалар билан келажак авлодларга мерос қилиб қолдиради. Мақол ва ҳикматли сўзлар ана шундай бебаҳо меросимиз ҳисобланади. Тафаккурнинг бундай

бебаҳо ва ноёб дурдоналарини халқимиз асрлар оша кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, сайқал бериб, турли замон ҳодисаларидан эсон-омон олиб ўтган.

Дунёда ҳикмат дурдоналари яратмаган, уларни асрлар оша тилида ва дилида сақлаб келмаётган бирор халқ йўқ. “Халқ поэзияси ғайратли, тийрак, жўшқин ҳаёт кечирувчи, софдил, боэътибор ва олийжаноб халқлардагина камол топади”,¹ дейди Н.Г.Чернишевский.

Жаҳондаги кўп халқлар каби ўзбек халқи ҳам ана шундай ғайратли, тийрак, жўшқин ҳаёт кечирган, софдил, боэътибор ва олийжаноб хусусиятлари билан машхур. Жаҳон маданиятининг равнақи учун Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари кўплаб буюк ва машхур олим мутафаккирлар етиштириб берган халқимизнинг маданиятини, донишмандлигини, умуман камолотини ер юзининг илғор жамоатчилиги қадимидан эътироф этиб келган. Ва ҳозир ҳам эътироф этади.

Европанинг таниқли шарқшунос олими, профессор А. Вамбери бундан бир аср муқаддам ўлкамизга қилган сафаридан қайтгач, қуйидагича ёзган эди: ... Шарқ қадимдан шеърият туйғулари ўлкаси бўлиб келган... Шунинг учун ҳам ўтовда истиқомат қилувчи кишиларда шеъриятга бўлган иштиёқ бўлган иштиёқ Париж ёки Лондондаги жамият аъзоларидагига қараганда кучлироқ, эканлигига ҳеч ким ажабланмаслиги керак... Ўрта Осиёда бир-бирига муҳаббат қўйган ёш ошпик-маъшуклар ҳам, мункайиб қолган қариялар ҳам, шунингдек, аскарлар ва чўпонлар ҳам, руҳонийлар ва оқсуяклар ҳам, хуллас, ҳамма-ҳамма поэтик ижодиёти бир хилда қизиқарли... Мақолларни ёзма тилда ҳам, жонли тилда ҳам учратиш, юрт қазоларининг саройида ҳам, кўчманчининг ўтовида ҳам эшитиш мумкин... Саҳро ўғлон бундай “оталар сўзи” ни ҳамма вақт юзига жиддий тус киритган ҳолда тинглайди. Мақол маъносига зид бўлган ҳеч қандай оқилона гап, ҳеч қандай инонтирувчи сўз унинг фикрига таъсир қила олмайди, унинг табиатдаги туғма мутаасиблик ҳеч нарсани ажодлар ва улар қолдирган ҳикматларнинг донолик билан айтилганига, нотўғри айтилмаганига астойдил, қаттиқ ишончидан бошқа ҳеч бир нарсада бунчалик кучли тарзда намоён бўлмайди.²

Мақолларнинг ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятига улуғ рус ёзувчиси Л.Н.Толстой ҳам жуда катта баҳо бериб: “Ҳар бир мақолда шу мақолни яратган халқнинг сиймоси кўринади”,³ деган эди. Дарҳақиқат, мақолларда ота-боболаримиз босиб ўтган йўлни,

¹ Н.Г.Чернишевский. Полн.собр. соч.,т, II стр.295.

² Г.Вамбери. Очерки Средней Азии. М., стр-323-324

³ Ҳ.Исматуллаев. “инлизда мақол, матал ва идиомалар”. Т., “Ўқитувчи”, 1969, 3-бет.

кечирган турмушларини, шодликлари ва чеккан азоб-уқубатларини теран мазмунли панд-насихатларини, қадимги даврларда, ўрта асрлар ва ундан кейинги асрларда яшаган аждодларимизнинг урф-одатларини, анъаналарини кўрамиз ва ҳис этамиз. Боиси халқ мақолларида халқнинг қомусий билим ва кузатишлари ўз ифодасини топган. Халқ мақолларида қишдан баҳорга ўтиладиган олти кунлик вақт, яъни азиз момо удуми, Бухоро ва баъзи мусулмон мамлакатларида мавжуд бўлган подшо, хон даражасидаги амалдор бўлган Ақраб, подшо, амир ва хонга бериладиган овқатни татиб кўрувчи ҳамда овқат тайёрлашга маъсул бўлган текинхўр баковул, тарик, арпа кабилардан тайёрланадиган кайф берувчи бўза ичимлиги, қудуқларни бир-бирига улаб олинадиган оқар сув, ер ости канали қариз, устида бирор нарсани қирқиш ё чопиш учун дарахтнинг йўғон танасидан кесиб олинган гўла-кунда, униб чиққан кўчатларни тез етилтириш учун бошқа жойга ўтқазиш ёки сийраклаштириш, яъни расад, бўйни, тумшуги ва оёқлари узун ботқоқ қуши, кўтонларнинг бир тури бўлган қўйиладиган картон тутқич ва унга ўралган рўмолнинг касабга деб аталиши, подшо, амир ёки хоннинг буйруқларини амалга ошириш устидан назорат қилувчи мансабдор шахс бўлган ҳудайчи, асли Ҳиндистондан келиб қолган ва ерли аҳоли билан чатишган маҳаллий лўлилар ҳақида дейсизми, қўйингки, ранг-баранг мавзудаги атама ва маълумотларни учратасиз. Булар халқ мақолларининг нақадар бебаҳо бўлганлигидан далолат бериб турибди.

Халқ ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқадиган хулосаларнинг бадиий ифодаси бўлмиш “Ҳалво деган билан оғиз чучимас”, “Лойсиз сув, қурбақасиз қўл бўлмас”, “Қаламнинг ишини қилич қилолмас”, “Аччиқ – душман, қал – дўст”, “Игна ўтган жойдан ип ҳам ўтар”, “Девона ҳам ҳуржунини бир марта йўқотади”, “Дехқоннинг ризқи ер билан, кучига боғлиқ”, “Юввош отнинг тепкиси қаттиқ”, “Саратоннинг уни – тегирмоннинг дўли”, “Сумбуланинг суви тиниқ, ўзи совуқ” каби мақоллар, гарчи лўнда ёки бир мисрали бўлсалар-да, уларнинг ҳар бирида бутун-бутун китобларга етадиган, олам-олам маъно англайдиган фикр ва туйғулар жо бўлган. Халқ асрлар давомида сайқал берган ҳар бир мақол етук бадиий асардир. Ана шу бой ижод дурдоналарининг ҳар бир сатрида минг бир ҳикмат мужассам. Масалан, “Аёз, кўрган кунинг унутма, кўн чориғинг қуритма” мақолини олиб кўрайлик. Ривоят қилишларича, Аёз хон вазири даражасига кўтарилади. У олий мартабада ўзидан кетиб қолмаслиги ва ҳаддидан ошмаслиги, илгари кўрган азобли кунларини унутмаслиги учун эски кўн чориғини кўзи тушиб турадиган жойга – саройнинг тепасига осиб қўйган экан. Ҳар гал чориғига кўзи тушганда ўзига-ўзи “Аёз, кўрган кунинг

унутма, кўн чориғинг қуритма”, деб танбех бериб қўяркан. Бу мақол ана шу афсона билан боғлиқ. Ўтмишда кўндан /хом теридан/ тикилган чориғ вақти-вақти билан намлаб турилган. Шундан келиб чиқиб, “Кўн чориғинг қуритма” дейилган. ¹

“Айтилган сўз - отилган ўқ” мақоли бежиз айтилмаган. Мақоллар кишига сўзлаш одобини ўргатар экан, жамоа орасида айрим шахсларга бирор гапни айтишдан аввал уни обдон ўйлаб, атрофлича мулоҳаза қилиб олиш зарурлигини қайта-қайта уқтиради. Чунки кишининг оғзидан ҳар бир сўз хоҳ яхшию, хоҳ ёмон, хоҳ ўринли-ю хоҳ ўринсиз бўлсин, буни асло қайтариб бўлмайди. Айтилган сўз /айниқса, ҳақорат, пичинг, кесатик, мазах, камситиш, тухмат ва ҳоказолар/ атрофидаги кишилар томонидан мазкур сўз эгасига /аччиқ сўз билан ёхуд жисмоний зарба билан/ қайтариладиган жавобнинг сабабчиси бўлади. ²

“Елка яғири – отга мерос, ота “яғири” ўғилга мерос” мақолида куйидаги маъно мужассам. От агар - белидан бошқа еридан яғир бўлса, уни даволаб, тез тузатиб олса бўлади. Аммо у елкадан /олдинги оёқлар устидан/ яғир бўлса, ўла-ўлгунча тузалмайди, даволаб бўлмайди ҳам. Чунки елка умуртқа бўғинларининг бирлашган жойи бўлиб, от ҳар оёқ кўтариб ташлаганда кимираб, битай деб келаётган яра яна очилиб, баттар бўлаверади. Бу - оталарга хос мерос яғирдир. Мақолда “ота яғири” дейилганда отанинг ўз ўлимига қадар улгуролмаган қарзи назарда тутилган. Халқимизнинг одати қадимларидан бири шуки, отани дафн этиб бўлингач, маҳалла оксоқолларидан бири мазор тепасида, дафн этиш маросимида келган барча кишилар иштирокида марҳумнинг ўғлига мурожаат қилиб: “Мабодо отангизнинг бировдан қарзлари бўлсаю, васият қилолмай вафот этган бўлсалар, шу қарзнинг эгаси келиб бирор ҳужжат кўрсатса ёхуд икки гувоҳ билан исботласа, сиз қарзни тўлайсизми?” дейди.

Ўғил: “Тўлайман” деб жавоб беради. Шунда оксоқол: “Мана, отангиз энди мусавффо бўлиб, пок бўлиб кетдилар” дейди. Шундай қилиб, отанинг қарзи ўғилнинг гарданига тушади. У бу қарзни /айниқса бу қарз катта бўлса/ тўлаб қутулгунча неча қийналиб юради. Юқоридаги мақол билан оталарга: “Бола-чақанга қарз қолдирма” деб насихат қиладилар. ³

Мақоллар замонлар оша тобора сайқалланади, жумлалари пишиқлашади, мазмуни теранлашади, шакли ихчамлашади. Баъзи ҳолларда эса, бунинг аксича, эшитувчи ва қайта талаффуз этувчиларнинг муайян мақолда айтилмоқчи бўлган маънони тушунмаслиги ёхуд

¹ III. Шомақсудов. III. Шораҳмаедов. Нега шундай дейсиз. Т., 1988 14 бет.

² III. Шомақсудов. III. Шораҳмаедов. Нега шундай деймиз? Т., 1988. 16- бет.

³ III. Шомақсудов. III. Шораҳмаедов. Нега шундай деймиз? Т., 1988. 80- бет

эшитганини эслай олмай ўзича кўшиб-чачиб айтиши, ёйинки маълум бир фикрни исботламоқ, маълум бир ҳолни ифодаламоқ учун эшитган мақоли таркибидаги айрим сўзлар ўрнига атайин бошқа сўзлар ишлатиб, асл маъноси ва мазмунини бошқа томонга буриб айтиши оқибатида кўпгина мақоллар кейинги авлодлар орасида аслига нисбатан нотўғри, мантиққа зид тарзида қўлланадиган бўлиб қолган. Бу ҳолни ҳозир ҳам халқимиз орасида қўлланаётган ва ёзма адабиётда, кинофилмлар ва театр томошаларида, матбуот, радио, телевиденияда ишлаётган ҳатто ҳикмат дурдоналарининг айрим тўпламларига киритилган бир қанча мақолларда кўриш мумкин. Масалан: айрим асарлар ва мақоллар тўпламларида ”Ҳайт” деган – туяга мадад” мақолини “Ҳой” деган туяга мадад: „, “Чу” деган ҳам туяга мадад”, “Ҳа-ха” деган туяга мадад” тарзида, “Ёрни номус ўлдирар, куённи қамиш ўлдирар” мақолини “Ёрни номус ўлдирар, куённи қамчи ўлдирар” тарзида: “Пиёзнинг пўсти кўп, ёмоннинг дўсти кўп” мақолини “Ёнғоқнинг пўсти кўп, ёмоннинг дўсти кўп” тарзида, “Қасални яширсанг, истимаси ошкор қилади” мақолини “Ўлимни яширсанг, истимаси ошқора қилади” тарзида, “Арзимаиди ғалласи, куйдуради ширдонаси” мақолини “Арзимаиди ғалваси, куйдиради шавласи” тарзида, “Ёв қочса ботир кўпаяр” мақолини “Ёв қочса душман кўпаяр” тарзида учратамиз ва ҳокозолар. Бу каби мақолларнинг қайси варианты тўғри-ю, қайси бири нотўғри эканлигига халқ мақолларининг маъноси ҳақидаги китоблардан тўғри жавоб олишингиз мумкин.

Мақолларнинг халқимиз ўртасида ҳозир ўтган асрларда, турли вилоятларда ва туманларда ҳамда туркий халқларда мавжуд бўлган вариантларни бир-бирига чоғиштириб, текстологик ўрганиб, энг тўғри вариантыни топиш айниқса муҳимдир.

Мақоллар маъзига уларни яратган халқнинг асрий ҳаёти, дунёқараши урф-одатлари сингиб кетган, Мадомики шундай экан, мақолларнинг тарихий илдизларини аниқлаш, уларнинг ғоявий мазмунини ечиб бериш кўп изланишларни, узоқ йиллар мобайнида сабр-тоқат билан иш олиб боришни тақозо этади. Академик В.А. Годлевский: “Мақолларни тушуниш, шак-шубҳасиз, катта қийинчиликлар туғдиради.” деган эди.

Мақолларни муваффақиятли этимологизация қилиш – ижтимоий тараққиётнинг тадрижий ривожланиш йўлларини, халқимизнинг одати – қадриятларини, барча касб-ҳунарларнинг ўзига хос томонларни, уларда ишлатилган қурол-асбобларни, ҳар бир касб-ҳунар аҳлининг жаргонларини, ҳайвонот дунёсидаги кўплаб жондорларнинг ўсимликлар оламидаги қанчадан-қанча ўсимликларнинг специфик хусусиятларини, табиат ҳодисаларининг қонуниятлари, табобат илмининг кўпгина томонларини, исломий қарашларини, фалсафий тушунчаларни билишни талаб қилади.

У ёки бу мақолнинг кўчма маъносини, унда нима дейилмоқчи бўлаётганини аниқлаш учун келтирилган образларнинг моҳиятини тўғри аниқламоқ керак. Халқ оғзаки ижодининг кўпчилик жанрларида, жумладан, мақолларда халқ жамиятдаги муносабатлар, ҳодиса ва ҳолатларни соддароқ, ойдинроқ ифодаламоқ мақсадида табиатдаги ўз хусусиятлари билан шунга мос келадиган турли предметлар /хайвонлар, ўсимликлар, уларнинг мевалари, жисмлар, уй-жиҳозлари, кийим-кечаклар, иш қуроллар, меҳнат маҳсулотлари ва ҳоказолар/ образидан усталик билан фойдаланади. Ана шу предметларнинг ҳар бирини тимсол қилиб олиб улар воситасида муайян сифатларга /хоҳ ижобий, хоҳ салбий/ эга бўлган кишиларнинг образини тавдалантиради. Масалан: халқимиз шерни – мард, довюрақ, ботирлиги; туяни эл-юрт оғаларига, бузрукларига, шунингдек кучли, чидамли, сабр-матонатли, баъзи ҳолларда эса такаббур кишиларга; эшак ва ҳўкизни – бефаҳм, бефаросат дангасаларга; кўнгли ювош, мулойим табиатли кишиларга; эчкини – айёрларга, енгил табиатлиларга; бўта, бузоқ, той, қулун, улоқ, кучук, ҳўтик, полопонли – болаларга: итни - очкўз, суллоҳ, тамагир, урушқоқ, калтафаҳм, аҳмоқ, дангаса ва шу каби инсоний иллатларга эга бўлган кишилардир; бўрини – қонхўр золимларга; тулкини – айёр, иккиюзламачиларга; қуёни - қўрқоқларга; қулони - сергак, хушёр, ақлли тadbиркорларга; сичқон, қаламуш: чумчуқ, чигиртқани – текинхўр; ва зарарқунандаларга /айрим ҳолларда – сичқонни мазлумларга/ ; қурбақани – ишқмас, дангаса, қуруқ ва мактанчоқларга; қовоқ, таррак, арпа, қорамуғ, қурмақ сингариларни – ёмон одамга ташбиқ этади ва ҳоказо.

Кўпгина мақолларнинг тўғри ва мажозий маъноларини аниқ далиллар, шакл-шубҳага ўрин қолдирмайдиган қатъий ҳулосалар асосида тўлақонли ифодалаб беришининг имкони йўқ, албатта. Шундай ҳолларда тadbиркорчи илмий фараз қилишга мажбур бўлади. Француз мақоллари ва ибораларини изоҳлаш билан шуғулланган А.Г.Назарян бу хусусида шундай ҳулосага келган: ...Муайян иборанинг хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш ва семантик узилишини батафсил таҳлил этиш асосида қилинган гипотеза унинг келиб чиқишини ёритишга қўшимча нур бахш этиши мумкин. Идиоматизмнинг фараз қилинган этимологиясини ҳужжат билан исботлаш ва мисоллар ёки далиллар билан мустаҳкамлаш мумкин бўлмаган ҳолларда унинг шундай бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмаслигини кўрсатмоқ жуда муҳимдир. Бу нарса муайян идиоматизмни тadbиркор этишни анча илгарига суриши ва бизни унинг аниқ этимологиясига яқинлаштириши мумкин.¹

¹ А.Г.Назарян. Почему так говорят, по французски, М., “Наука” 1968, с .294.

Халқ ўзининг кўп йиллик ҳаётий тажрибасидан олган хулосаларини, фалсафий мулоҳазаларини мақоллар орқали ифодалаган. Ўзбек мақоллари мавзу жиҳатдан хилма-хил ва ранг-баранг. Чунончи, ватан ва ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва ишқмаслик, ҳалоллик ва текинхўрлик, тўғрилиқ ва эгрилик, яхшилик ва ёмонлик, адолат, инсоф ва инсофсизлик, дўстлик ва душманлик, тинчлик ва нотинчлик, ботирлик ва қўрқоқлик, донолик ва нодонлик, мардлик ва номардлик, эпчиллик ва ношудлик, меҳр-оқибат ва оқибатсизлик, кадр-қиммат ва қадрсизлик, тадбиркорлик, умид, ишонч, аҳиллик, орномус, эҳтиёж ва зарурат, вақт ва фурсат кадри каби кўплаб мавзуларда яратилган халқ мақоллари ана шулар жумласидандир. Айни чоғда ўзбек халқ мақоллари яратилиши жиҳатидан жуда қадимий замонларда яшаган аجدодларимиз ижодини ташкил этади. Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғотит турк” асарида китобни “Ҳикматли сўзлар, сажлар, мақоллар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар” билан беаганини айтади. “Девону луғотит турк” га 300 га яқин мақоллар берилганки, халқларнинг маданий мероси нақадар бойлигининг энг ёрқин ифодасидир. Ҳеч иккиланмасдан алоҳида қайд этиш лозимки, бундай улкан хазинага дунёдаги камдан-кам халқлар эга бўлиши мумкин. Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, биронта шоиртабиат инсон қаттиқ эҳтиросга берилган пайтида қўшиқ тўқиб ташлаши мумкин. Аммо битта мақолнинг бадиий жиҳатдан мукамал тарзда шаклланиши ва халқ қалбидан жой олиши учун ўнлаб йиллар кўп вақтлар зарур бўлади. Ана энди Маҳмуд Кошғарий туркий сўзларнинг луғати йўналишида келтирилган 300 мақолга ва 13 мингдан ортиқ бу жанр намуналарига баҳо бериб кўрайлик. Маълум бўладики, бу қадар кўп ва бадиий мукамал халқ ҳикматли сўзларини ижод қилиш фақат доно, зукко, ҳар бир ҳаёт воқеасини мулоҳаза лабораториясидан ўтказиб олган аجدодларимизга насиб этиши мумкин.

Мақол халқ ҳаётий тажрибалари, хулосасини бадиий жиҳатдан мукамал ифодаловчи ҳикматли сўзлар мажмуасидир. Мақолларда ифодаланган фикр ва мазмун кенг қамровда бўлади. Масалан, биргина “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” мақолини олиб кўрайлик. “Оталар сўзи” деганда биринчи галда мақоллар ибратли ва ҳикматли сўзлар, иборалар назарда тутилади. Уларнинг кишилиқ жамияти ва ҳар бир инсон учун нақадар қимматли аҳамиятга эга эканлигини жаҳон донишмандлари қадим-қадимдан эътироф этиб, уқдириб келганлар. Милоддан аввалги IV асрда яшаган буюк мутаффиқ Аристотел /Арасту/ ҳикматларни юксак баҳолаган: “Барча кишининг кучи овқатдандир, ақлнинг кўзи эса, ҳиматдандир.” Бундан тўққиз аср муқаддам Унсурал-Маоний Кайковус билан Искандар бинни Искандар бинни Қобус бинни Вишмагур шундай деган: “Эй фарзанд умидим шуки, сен шу пандларни қабул қилгайсан. Бу билан /мен оталиқ

вазифасин келтирган бўлурман. Билгилки, халкнинг расми-одати шундайки, кидириб-ахтариб, дунёдан бирор нарса ҳосил қиладилар ва /бу топган/ нарсаларини ўзларининг яхши кўрган кишисига қолдириб кетадилар”. Кишини ҳайратлантирадиган ери шундаки, халқимиз ўзи яратган мақолларни улуғловчи, уларнинг кадр-қиммати, тарбиявий аҳамияти беқиёс эканлигини, улар бежизга айтилмагани ва асло нотўғри, ёлғон фикрни билдирмаслигин тақдирловчи бир қатор мақоллар тўқиб, бу тафаккур дурдоналарга асрлар оша юксак баҳо бериб келган: “Яхши нақл, томири ақл”, “Нақл, нақл таги ақл”, “Мақол – ақл маҳсули”, “Нақл қаердан чиқади- уй бўлмаса, кигиз қайдан чиқади – қўй бўлмаса?”, “Каттанинг нақли – кичикнинг ақли”, “Чол, чолнинг сўзи бол”, “Ер ғазнаси – эски сўз, эл ғазнаси эски сўз”, “Сўз кўрки – мақол, юз кўрки сокол”, “Сўз кўрки – мақол, гузар кўрки - баққол”, “Тапнинг кавшари - мақол”, “Мақол – гулдир, сўз - чечак”, “Мақол отаси – сўз, мато отаси – бўз”, “Ақлинг бўлса, ақлга эргаш, ақлинг бўлмаса, нақлга эргаш”, “Ўтганлардан ибрат ол, келажакка ибрат бўл”, “Ўтгандан улгу ол, келажакка улгу сол”, “Халқ айтгани – ҳақ айтгани”, “Халқ сўзи – ҳақ сўзи”, “Халқ садоси – халқ нидоси”, “Халқ айтмас, халқ айтса- хато айтмас”, “Масалда хато бўлмас”, “Нақлни бир айтмаса – ақлсиз айтмас, ақли сўзини нақлсиз айтмас”, “Оталар сўзи ҳитоб бўлур, ани йиғсанг китоб бўлур”.¹ Шундан ҳам мақолларнинг нақадар бебаҳо эканлигини англаб олишимиз мумкин.

Бизнинг фикримизча, ҳар мақолнинг вужудга келишида бирорта ибратли воқеа рўй берган ва бу воқеа ўта зукко, синчков доно аجدодларимиз вакили томонидан кузатилишига сабаб бўлган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридан олинган қуйидаги мисолларга мурожаат қилайлик: “Беш қўл баробар эмас”, “Хўкизнинг оёғи бўлгунча, бузокнинг боши бўлган яхшироқ”, “От кўксидаги яғир, болаларига мерос бўлиб қолади”, “Қудукда сув бор, аммо ит бурни тегмайди”.

Маълум бўладики, юқоридаги ҳар мисолни йиллар давомида тажрибадан ўтган, унинг ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилинган, Бадиий жиҳатдан мукаммаллашиб борган намуна сифатида қабул қилиш мумкин. “Девону луғотит турк”да “савалашмоқ” сўзи берилган. Бунинг оталар сўзини маъносини англатиши айтилади. Тахмин қилиш мумкинки, бундан минг йил аввал аجدодларимиз мақолларни “сав” деб атаганлар. Кейинчалик Алишер Навоий ижодида мақол атамаси “масал” тарзида берилади: “масалдурким – уйку ўлимдур”. “Масал” атамасининг XX аср бошларигача қўлланиб

¹ III. Шомақсудов. III. Шораҳмаедов. Нега шундай деймиз. Т., 1988 209-210 бет

келингани маълум. Ўтган асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб мақол сўзи тез-тез учрай бошлайди. XX аср ярмидан эса фақат мақол тарзида қўлланиб келмоқда.

Халқ мақоллари мукаммал бадиий ижод намунаси сифатида адабиётшунослар ва фольклоршунослар томонидан ўрганилган. Жумладан, бугунги кунимиздан деярли минг йил аввал Махмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғотит турк” асарида кўплаб мақоллардан намуналар келтиради ва халқимиз ижодида мақол жанрининг узоқ тарихига эга эканлигини исботлаб беради. Олимлар қадимги шоҳлардан Аббос Сафавий амри билан мақол ва маталларимиз бир жойга жамлангани ҳақида маълумот берадилар. Афсуски, бу мажмуа бугунги кунда йўқолган. Ўтган асрда ўнлаб мақоллар тўплами эълон қилинди. “Ўзбекча оталар сўзи” /1924/, “Мақоллар ва ҳикматли сўзлар” /1939/, “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” /1947/, “Ўзбек халқ мақоллари” /1978/, “Ўзбек халқ мақоллари” / 2 жилдлик, 1987-1988/ кабилар шулар жумласидандир. Уларни тўплаш, нашрга тайёрлаш, тадқиқ этишда аввал Ходи Зарифов, Буюк Каримов, Ғози Олим Юнусов, Ғулом Зафарий, кейинчалик Мансур Афзалов, Охунжон Собиров, Зубайда Ҳусаинова, Ғани Жаҳонгиров, Ражаб Жуманиёзов, Тўра Мирзаев, Баҳодир Саримсоқов, Малик Муродов, Иброҳим Ҳаққулов, Асқар Мусақулов, Р.Зафаров каби олимлар муносиб ҳисса қўшдилар.

Мақол араб тилидаги “қавлун” сўзидан олинган бўлиб, сўз тушунчасини англатади. Демак, мақол атамасини ҳикматли сўз маъносида қабул қилиш мумкин.

Халқ оғзаки ижоди ҳақида илмий иш олиб борган дунёдаги ҳамма олимлар мақолларда у ёки бу миллатнинг дунёқараши, ҳаёт ва табиат ҳодисаларига бўлган муносабати акс этишини алоҳида таъкидлайдилар. Ҳақиқатдан ҳам, агар ўзбек мақоллари намуналарига мурожаат қилсак, бу фикр жуда тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. “Тулки ўз уясига қараб хурса, қўтир бўлади” мақолида аждодларимизнинг ўз ватанига бўлган ҳурмати, ватанини талаш эмас, ҳимоя қилиш кераклиги ҳақидаги фикри акс этган. “Ким тутунни кўзғотса, ўзига тутайди” мақолида эса ҳар бир ишни ҳамжиҳатлик билан амалга ошириш кераклиги таъкидланади. “Бахт белгиси илмдир” мақолида халқимизнинг минглаб йиллар давомида илмга бўлган муносабати ўз ифодасини топган. “Шошқалок пашша, сугга тушади” мақолида ҳар бир ишни мулоҳаза билан ўйлаб бажариш назарда тутилади. “Тил билан боғланган, тиш билан очилмас” мақолида бир томондан вафодорликка чақириш мазмуни акс этган бўлса, иккинчи томондан одамлар, оилалар, мамлакатлар ўртасидаги низолар музокара юритиш йўли билан ҳал этилиши кераклиги уқтирилади. Бу мақолларнинг ҳар бирида ҳаёт-момот масалалари, инсоннинг табиати, бағри кенг одамгина эл орасида ҳурматга сазовор бўлиши қайта-қайта уқтирилгандир.

Тажриба шуни кўрсатадики, мақолнинг эл орасида кенг тарқалиши, уларда ҳақиқат ифодаси билан алоқадордир. Агар маиший ҳаётга бирон нарса предметнинг ишлатилиши тўхтатилса маълум муддатдан сўнг ана шу нарса номи иштирокидаги мақол аста-секин истеъмолдан чиқади. Жумладан, “чўриқ”, “ҳакан” каби сўзлар тилимизда кам ишлатилганлиги сабабли буларнинг иштирокидаги мақоллар ҳам йўқолиб кетган. Ёки Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида “Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда” мақоли кенг тарқалгандир. Аммо Хоразм ҳудудларида яшайдиган юртдошларимиз бу мақолни ўз маъносида ишлатмайдилар. Чунки Хоразмда ер ости сувлари ер қатламнига жуда яқин жойлашганлиги туфайли бу вилоятда деҳқончилик тажрибасида кузда экин майдонлари ҳайдалмайди.

Юқоридагилардан маълум бўладики, халқимиз томонидан қўлланадиган ҳар бир мақол ҳаёт тажрибасидан ўтган, замонлар синовига бардош берган сўз санъати намунасидир.

Турмушда рўй берган воқеа-ҳодиса натижасида вужудга келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда миллатимиз вакили бирон мақолни ўз фикрини тасдиқлаш мақсадида келтириши мумкин. Аммо мазкур мақолнинг ўз ёки кўчма маънода қўлланилмаганлигини баҳо берилаётган воқеани аниқ кўз олдимизга келтириш орқали аниқлаймиз. Масалан, агар Фарғона водийсидаги деҳқон қайси бир сабаб билан кузда ер ҳайдамаган бўлса-ю, баҳорда қайта-қайта экин майдонини ҳайдагани билан яхши ҳосил олмаса юқорида айтилган мақол ўз маъносида қўлланган бўлади. Аммо бирон шахс томонидан тадбирнинг амалга оширилиши кечиктирилса ва кейинги ҳаракатлар натижа бермаса ҳам “Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда” мақоли мисол сифатида қўлланилиши мумкин. Энди бу мақол кўчма маънони англатади. Шу билан бирга айтиш мумкинки, мақоллар мазмунига кўра кўпроқ кўчма маънода қўлланади. “Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламас”, “Чумчуқдан кўркқан тариқ экмас”, “Бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдирма”, “Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин” каби ҳикматли сўзлар кўпинча кўчма маъноларда ишлатилади.

Мақоллар билан бир қаторда нутқимизда халқ маталлари ҳам ишлатилади. Маталлар шакл ва мазмун жиҳатидан мақолларга жуда ўхшаш жанр ҳисобланади. Уларнинг матни, ҳажми, бадиийлиги жиҳатидан мақолларга яқинлигини жуда кўп олимлар тасдиқлаганлар. Ҳатто, кўпинча матал атамаси ҳам мақол билан алмашган ҳолда қўлланилиши ҳам кўзга ташланади. Маталлар сўзловчи нутқнинг таъсирчанлигини оширади, шаклан гўзаллаштирилади. Аммо мақол билан матални жанр жиҳатидан ўзига хос хусусиятлар борки, уларни ҳамиша бир-биридан фарқлаган ҳолда тасаввур қилиш

мумкин. Гап шундаки, мақолларда ҳаётда рўй берган бир воқеага умумлаштирилган ҳолда ҳукм чиқарилади. Бу ҳукм тасдиқ ёки инкор маъносини билдиради, айти пайтда халқ мақоллари мазмунан тугал фикрга эга бўлади ва улар алоҳида қўлланилса ҳам маъно англатаверади. Маталлар эса сўзловчи нутқни тартибининг бирон муҳим қисми сифатида ишлатилади. Маталларни алоҳида қўллаш мумкин бўлмайди, чунки маталлар мазмунан тугал фикр англатмайди. Масалан: “Фалончи илон инидан чиқадиган қилиб гапирди” деган жумлани олайлик, Агар “илон инидан чиқадиган” матали бу жумладан олиб ташланса унинг ўрнига яхши сўзни қўйиш мумкин. Натижада “Фалончи илон инидан чиқадиган қилиб гапирди” жумласи “фалончи яхши гапирди” жумласига тенг бўлади. Аммо “илон инидан чиқади” сўз бирикмаси алоҳида қўлланганда мустақил маъно англатмайди. Шу билан бирга “Яхши сўз билан илон инидан, ёмон сўз билан қилич қинидан чиқар” мақолини ҳам эсга олиш мумкин. Мазкур мисолдаги “Илон инидан” сўзларига диққат қилайлик, чунки бу сўзлар мустақил қўлланганда бўлак фикр англатувчи мақолнинг таркибий қисмидир. Маълум бўладикки, мақол ва матал аслини олганда халқ ҳаётида тутган ўрни маиший вазиятларни ифодалаш даражаси билан бир-бирига яқин турар экан фақат уларнинг бири тарихан мақол бўлиб шаклланишга улгурган, иккинчиси эса матал сифатида яшайверган. Демак, мақол ва маталлар бир-бирига шакл ва мазмун жиҳатидан яқин туради, аммо мақоллар нисбатан мустақил жанр бўлса, маталда бу мустақиллик кўзга ташланмайди.

Ўзбек халқ мақоллари дунёдаги бошқа халқларда бўлгани каби мавзу жиҳатидан хилма-хил ва ранг-барангдир. Улар мазмунига ватан, халқ, меҳнат, оила, олий инсоний фазилатлар каби инсон ҳаётида муҳим ҳисобланган масалалар ҳақидаги ҳукмлар сингдирилган. Шунинг учун ҳам бу мақолларни халқнинг оғзаки қомуси билан тенглаштириш одат тусига кирган. Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридан ўрин олган мақолларни ҳам ватанпарварлик, ҳамжиҳатлик, мардлик вафодорлик каби ғояли намуналар безаб турибди. Бу мақолларнинг халқ ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти шу жиҳатдан ҳам муҳимки, инсон маиший ҳаётдаги деярли ҳамма лавҳаларга хос ҳикматли фикрлар баён этилган. Иккинчидан, бу асарларда ўзбек халқининг халқ сифатида, миллат сифатида шаклланиш жараёни, ўзбекона табиат белгилари билан ҳам таниши мумкин бўлади. Масалан, “Девону луғотит турк” да “Оғилхонада бузоқ туғилса, ариқ бўйида ўт унади” деган мазмунидаги мақол бор. Бу мақолда ҳар бир мавжудот, шу жумладан, инсон ўз ризқи билан дунёга келармиш деган фикр айтилган. Аждодларимиз мазкур мақол орқали ўзларидан кейинги авлод вакилларига бағри кенг инсон бўлишни, бировнинг муваффақиятига ҳасад қилмасликни, ҳар бир шахс ўз ҳаёти давомида фақат

Ўзининг ризқини ейиши мумкинлигини васият қилганидек бўлади. Бу билан халқнинг тажрибасига, феъли ва атвориға оид мулоҳазалар баён этилади. Узоқ ўтмишидан сақланиб қолган мақоллар орасида инсоннинг ҳаётида амалга оширган ҳар бир савобли амали ҳам, ҳар бир ёмонилиги ҳам эл дилидан ўчмас из қолдириши баён этилади. Қуйидаги мақолга эътибор берайлик: “От курагидаги яғир, болаларига мерос бўлиб қолади” . Маълумки, ўзбек халқининг асрлар давомида ҳаётини асос билан тасдиқланган тажрибаси ҳар бир инсоннинг охир пиروвардида наслига тортишини тасдиқлаган. Эътибор бериш керакки, бу ерда гап мутлақо иқтисодий таъминланганлик, зодагонлик ёки қуллик, чўрилиқ ҳақида бораётгани йўқ. Бу ерда гап инсоннинг ўз миллатдошларига яхшилик қилишга мойиллиги, ҳар хил ғийбатчиликдан узоқлиги, кечиримлилиги, хотамтойлиги ҳақидадир. Ҳақиқатан ҳам, ҳаёт тажрибаси оилавий муҳитнинг бола тарбиясига таъсир этиши билан бирга қон орқали наслдан наслга ўтишини ҳам тасдиқламоқда. Бинобарин, халқ мақолларида ана шундай чуқур фалсафий мазмунга эга бўлган фикрнинг ўрин олиши табиийдир.

Ўзбек халқи достон, эртақ, нақл ва ривоятларида одамлар ўртасидаги низоларни ҳамиша тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлган. Шунинг учун аввало халқ мақолларида ҳам инсонлар ўртасидаги муносабатнинг илиқ бўлиши лозимлиги қайта-қайта такрорланади. “Эт тирноқдан айрилмас”, “Тоғ тоққа қовушмайди, одам одамга қовушади”, “Отаси аччиқ олма еса, ўғлининг тиши қамашар”, “Кенг тўн тўзимайди, кенгашли иш бузилмайди”, “Жанжалли жойда оғзингни очма”, “Ёвнинг ташида бўлгунча, ичида бўл”, “Олам тинч - хонам тинч”, “Осойишгалик – энг яхши малҳам”, “Оч қорним – тинч қулоғим”, “Тинчлик – фаровонлик йўлдоши”, “Уруш – йўқлиги, тинчлик тўқлиги” каби мақоллар шулар жумласидандир. Демак, аجدодларимиз бизни аҳил бўлишга, иттифоқли турмушга, ўртадаги низоларни кўтаришга чорлаганлар ва муаммоли вазиятнинг ўзбек халқи табиатан ҳалол меҳнатни қувватлаб келган. Пора олиш, харом йўл билан бойлик ортиташиш қоралаб келинган. Натижада, эл-юртнинг порахўрга орига, хиёнат йўл билан топилган мол-давлатга бўлган муносабатни билдирувчи мақоллар билан яратилган. Хусусан, бир мақолда “Пора дўзах эшигини очади” дейилса, бошқаларда “Порахўрнинг тавбасидан кўрқ, муғомбирнинг йиғисидан кўрқ” каби ҳикматларга дуч келамиз.

Халқ мақолларининг матни билан танишар эканмиз, халқимиз эл фарзандларини бир-бирига ҳамкор, ҳалол, пок бўлиши билан бирга мард, ватанпарвар, илмни севувчи шахс даражасига кўтарилишини ҳам ҳоҳлаганлигига ишонамиз. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг узоқ ўтмишда яшаб ўтган ўнлаб олим ва алломаларнинг номлари, асарлари, кашфиётлари ҳақидаги маълумотлар қайта тикланди. Масалан, “Олим

бўлсанг, олам сеники”, “Олимдан от қолади, нодондан дод”, “Ота-онасини танимаган, тангрисини танимас” каби мақоллар шулар жумласидандир.

Албатта, инсон ҳаёти бевосита оила билан боғлиқ. Оиладаги турмушнинг тотувлиги ҳар бир оила аъзосининг тақдирига ижобий таъсир кўрсатади. Оиласи нотинч одамнинг ҳаёти турғун бўлмайди. Бундай шароитда тарбияланган болалар ҳар томонлама инсоний етукликка эриша олмайдилар. Шунинг учун ҳам халқ мақоллари қаторидан “Оила аҳил бўлса, одам ўз оёғи билан келар”, “Оила тинч - юрт тинч”, “Оила қўш устунли айвон”, “Оналик уйнинг ори бор, Оталик уйнинг - зари”, “Ота – ақл, она - идрок” каби мақоллар кенг ўрин олган. Дарҳақиқат, оила муқаддас кўрғон, кичик бир ватандир. Чунки барча яхши фазилатлар оилада шаклланади.

Маълум бўладики, асрлар давомида халқимиз ўзининг дунёқарабини ижобий фазилат ва нуқсонларга бўлган муносабатини, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини ўз мақолларида ифода этган. Бу ҳикматли сўзлар ҳар бир ўзбек фарзанди учун ота-бобосидан қолган панд-насихат сифатида қабул қилинмоғи лозим. Чунки мақоллар минг-минг йиллар давомида аجدодларимиз ҳаёт тажрибасидан ўтиб, замон синовларига бардош берган ҳолда бизгача етиб келган.

Халқ мақоллари асрлар давомида ўзининг шакл ва мазмун жиҳатидан беназирлиги билан буюк ва таниқли адиблар эътиборини жалб қилиб келди. Юсуф Хос Ҳожибдан тортиб Муқумийгача, Алишер Навоидан тортиб Абдулла Қаҳҳоргача халқ мақолларидан самарали фойдаланганлар. Ҳатто халқ ўзи яратган мақолларидан достон, эртақ, ривоят ва нақлларда унумли фойдаланган. Жумладан, Алишер Навоий лирикасида “Чикмаған жонға умид”, “Ит уйиб қолдию, кўчди карвон”, “Мен фирокдин десам, ул ер Ирокдир”, Бобур ижодида: “Бўлиб турур икки кўзим йўлида тўрт”, “Мен эдим сенингдек, сен бўлғойсан менингдек”, “Курук қошиқ оғиз йиртар”, “Алпомиш” достонида “Султон суягини хўламас”, “Элакка борган хотиннинг эллик оғиз гапи бор “ каби мақоллар кўплаб учрайди. Халқ мақоллари асрлар давомида ўзбек халқининг ҳаёт тажрибасини бадиий жиҳатдан ифодаловчи сўз санъати намуналари сифатида яшаб келди.

Халқ мақолларига минг йиллар давомида шоир ва ёзувчилар томонидан бадиий асарларга киритилди ва фольклоримиз намунаси сифатида сўз санъатидан ўрин олди.

Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида туркий сўзларга изоҳ бериш мақсадида келтирган мақоллари ўз даврида ўтган аср олими томонидан дастлабки ўрганиш объекти бўлгани сифатида баҳоланиши мумкин. Кейинчалик эса, бу анъана ўзбек фольклоршунос олимлари томонидан ривожлантирилганлигини эътироф этиш жоиздир.

Бу олимлар кўп асрлик маданий меросимиздан ўрин олган оталар сўзини тўпладилар, илмий таҳлилдан ўтказдилар. Нашрдан чиқардилар ва халққа тақдим этдилар.

Мақоллар мундарижаси ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий масалаларга оид мавзулардан иборатдир. Уларда халқимизнинг ватанига, халқига, меҳнатга, илмга, ҳунарга, оилага, мардликка, аҳилликка бўлган муносабатлари ўзининг бадиий ифодасини топган.

ИККИНЧИ ФАСЛ

МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАРДА ҚОФИЯ УНСУРЛАРИ

Фольклоршунос ва шеършунос олимларнинг монографик йўсиндаги ишларида, турли илмий мақолаларида халқ шеърларининг ғоявий-бадиий хусусиятларига, тарихий-генетик асосларига, образлар тизимида, жаҳон халқлари оғзаки ижоди намуналари билан узвий муштарак ва фарқли жиҳатларига назар солинган. Шунингдек, ўзбек халқ кўшиқларининг бадиияти, образлар дунёси ўрганилганда бевосита уларнинг жанри, шакли, вазни, банд қурилиши, қофияси, урғуси ҳақида ҳам айрим қарашлар баён қилинган, лекин монографик йўсиндаги ишлар яратилган эмас. Жаҳон халқлари шеършунослигида эса халқ шеър тузилиши билан боғлиқ масалалар аллақачон ўз ечимини топиб улгурган. К. Рисалиеванинг “Қирғиз шир тузилиши”, З.Аҳметованинг “Қозоқ шири тузилиши”, И.В.Стеблеванинг “Туркий халқлар шеър тузилиши” каби ишлари ана шулар жумласидандир.

Ўзбек халқ шеър тузилишининг илмий-назарий асосларини ўрганиш доирасида бир қатор илмий мақолалар ёзилган бўлса-да, назарий асос тўла-тўқис яратилиб бўлинди, дея олмаймиз. Шеър тузилишида етакчи унсур сифатида таассурот уйғотадиган биргина қофияни олиб кўриш мумкин. Дейлик, Шарқ халқлари шеърлятида қофиянинг тутган ўрни хусусида Шамсиддин Қайс Розий, Абу Наср Фаробий, Воҳид Табризий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг илмий қарашлари баён этилган. Хуллас, қофия назариясига асос солинган. 1972-1975 йилларда “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида катта баҳс бошланди. Бунда А.Рустамов, С.Мирзаева, Б.Саримсоқов, Ҳ.Мирҳайдаров, У.Тўйчиев, Т.Бобоев сингари шеършунос олимлар қофия илми билан боғлиқ ўз қарашларини ифодаладилар. Ушбу баҳсларда олимлар томонидан иккита катта илмий гипотеза асосланди. Бир гуруҳ олимлар мумтоз қофия илмини бармоққа татбиқ қилиб бўлмайди, деган хулосага келган бўлсалар, иккинчи гуруҳ шеър илми мутахассислари, аксинча, араб-форс қофия унсурларини

бармоқда ҳам қўллайвериш мумкин, деган хулосага келиб, ўз қарашларини етарлича илмий-фактик асосга кўра исботладилар.

Шеърятда “ритм ўққа, қофия банддан-бандга ўтаётган ўт”¹ га қиёс этилади. Бинобарин, ритм шеърий нутқдаги муайян, бир-бирига монанд бўлакларнинг, сўз ҳақида товушларнинг маълум тартиб ва бир хилда такрорланиб келишидир.

Бундан кўриниб турибдики, ритмсиз шеър бўлмайди. Хусусан ритм шеърда мисралардаги бўғинларнинг тенглиги, тuroқ тартибининг бир хилда такрорланиши билан яратилади. Ритмнинг бундай ўзига хос хусусиятлари классик шеърят билан ҳозирги замон шеърияти, яъни аруз вазни билан бармоқ системасида ритм фарқланишига олиб келади. Чунончи, аруз вазнидаги шеърларда ритм мисралардаги чўзиқ /-/ ҳамда қисқа бўғинларнинг бир маромда такрорланишидан келиб чиқади.² Масалан, Алишер Навоийнинг:

Ошиқ ўлдим билмадим, ёр ўзгаларга ёр эмиш,

Оллоҳ-оллоҳ, ишқ мундоқ балолар бор эмиш, -

Байти билан бошланувчи ғазалини ўрганиш асносида ҳам юқоридаги фикр тасдиғини кўриш мумкин. Бу ерда байтдаги ҳар икки мисра сўзлари ҳам ҳижонинг қисқа ва чўзиқлиги ҳамда тuroқлар сонининг тенглиги жиҳатидан бир-бирига мос тушган. Яъни ғазалнинг ҳар бир мисраси тўрт рукндан /ошиқ ўлдим оллоҳ-оллоҳ; билмадим – ишқ аро; ёр ўзгалар – мундоқ балолар; ёр эмиш – бор эмиш / иборат. Рукнларнинг биринчиси тўрт, иккинчиси ва тўртинчиси уч, учинчи рукн эса беш ҳижоли. Учинчи рукннинг учинчи, қолган рукнларда иккинчи ҳижо қисқа бўлиб, қолган ҳижолар тўлиқ. Шунингдек, ғазалнинг қолган мисралари ҳам рукн сонлари, ҳижолар тенглиги ва уларнинг қисқа ҳамда чўзиқлиги билан юқоридаги биринчи байтга бирдай ҳамоҳанг бўлиб келади. Бу ғазалда ягона ритмни, муסיқийликни юзага келтиради. Мисра охирида товушларнинг такрорланиши натижасида қофияланган сўзлар эса ғазал муסיқийлигини таъминлайди.

Классик шеърятимизга кўпроқ хос бўлган бундай хусусият ҳозирги замон шеърияти, жумладан, халқ мақолларида унчалик бўй кўрсатмайди. Бармоқ вазнидаги шеърларда ва мақолларда оҳангдошлиқ, яъни ритм шеър мисраларидаги ҳижоларнинг такрорланиши, тuroқ қофия ҳамда рафидлардан ҳосил бўлади. Масалан:

Яхшиликка яхшилик –

Ҳар кишининг ишидир.

Ёмонликка яхшилик-

¹ Маяковский В.В. Полн. Собр. соч. т.2, М1956, с.115.

² Ҳомидий х., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати, Т., 1967, 181 – бет.

Мард кишининг ишидир. - ¹

мақолини олиб кўрайлик. Мақол бармоқ системасининг етти ҳижоли вазнида битилган. Мисралар икки туроқли. Ўзаро қофияланиб келган яхшилик, ишидир оҳангдош сўзлари бирдай уч ҳижодан иборатдир. Бу ерда яхшилик, ишидир, кишининг сўзлари такрорланиб келган бўлса-да, мақолнинг равонлигига ҳалақит бермайди. Аксинча, ҳижоларнинг тенглиги, товушларнинг бир хилда такрорланиб келиши мақолда жозибали, ўйноқ ритм яратишда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди узоқ қадим тарихга эга деймиз. Шу маънода мақол ва кўшиқларнинг пайдо бўлиши меҳнат жараёни билан бевосита боғлиқдир. Демак, ритмик нутқнинг юзага келиши ҳам меҳнат жараёни, шунингдек, инсоннинг илк ижтимоий ривожланиш давридаги иши ва кураши билан боғланган. Масалан, кетмон чопаетган деҳқон ишига монанд бир хилда ҳаракат қилса, иши енгиллашади. Ёки дастгоҳ ишчиси, цех тикувчисининг бир хилдаги ритмик ҳаракати улар меҳнатини осонлаштиради, бажараетган ишни маълум бир изга туширади. Кўшиқ ёки достонларда эса қўлланадиган пурмаъно сўз, ҳижо, қофия ҳамда рангин радифларнинг қудрати эвазига ритм ҳосил бўлади. Натижада В.В.Маяковский айтгандай “ўт” га айланган қофиядош сўзлар қанотида шеърда ритм кўзланган нишонни бенуксон урадиган “ўққа” айланадию мақсад ойдинлашади: шеър ўқувчи қалбига жиз этиб тегади, уни ром этади. Мисолларга мурожаат қилайлик:

Эрка тутса онаси,

Талтаяди боласи.

Тўғри тутса онаси,

Юртга эга боласи. /158 бет/

Халқимиз дилидан дур бўлиб қуйилган бу мақол тарбия мавзуида. У бола тарбияси нақадар нозик эканлиги, бола тарбиясида онанинг тутган ўрни, болани ҳаддан зиёд эркалатиш яхшиликка олиб келмаслиги таъкидланади. Тўртликда бундай катта маънони ҳосил қилишда мисралардаги қофиялар асосий роль ўйнайди. Зеро мисралардаги онаси, боласи сўзлари жозибали қофияни юзага келтирмаган бўларди. Чунки бундай ҳолда маъно бузилмаса-да, қофиядош сўзларда ҳижолар уйғунлиги унли ва ундош товушларнинг такрор системаси меъёридан четга чиқади.

¹ Ўзбек мақоллари. Т., Шарқ, 2003, 154 бет

Изоҳ: Кейинги мисоллар шу тўпلامдан олиниб, саҳифаси кўрсатилади.

Мақолларда ўзбек шеъротидаги банд кўринишларининг бир нечта анъанавий турлари учрайди. Мақолларда асосан, содда банд / иккиликдан олтиликкача/ кўринишлардаги бандлар учрайди. Жумладан, иккиликлар,

Қиз сақлай билмаган гўнг етар,

Ипак сақлай билмаган юнг етар. /159-бет/

Ёки:

Яхши бола ном келтирар,

Ёмон бола ғам келтирар. / 163 бет/

Мақолларда учликлар ҳам учрайди:

Бир кўрган таниш,

Икки кўрган-ошна,

Уч кўрган-қариндош. /263-бет/

Мақоллар орасидаги учликларни таҳлил қилганимизда кўришимиз мумкинки, қофияланишда ҳам, бандлардаги мисралар сонида ҳам изчилликка қатъий риоя қилинмаган. Умуман, мақолдаги охириги хулоса банддан келиб чиқадиган мантиққа кўра, унинг шакли, тузилиши бошқалардан фарқ қилади ва бу учликдан тузилган мақолларга хос хусусият эканлигини айтиш мумкин. Учликлар одатда юқоридаги каби а-б-а тарзида қофияланиши мумкин.

Тўртликдан иборат бўлган мақолларда тўртликнинг беш-олти хил қофияланувчи ҳар хил туроқли кўринишларини учратамиз. Масалан, қуйидаги мақол 7 ҳижоли бармоқ вазнида ёзилган:

Гўжа туйсанг, майда туй,

Қайнотангнинг тиши йўқ.

Қайга борсанг, шунда бор,

Қайнотангнинг иши йўқ. /263-бет/

Мақол б-а-б-а тарзида қофияланган.

Қуйидаги мақол жуда кам учрайдиган икки хил вазнда ёзилган:

Қор ёғди деб севинма,

Аёзлари бор.

Хўжа келди деб севинма,

Ниёзлари бор. /494-бет/

Ушбу мақолнинг биринчи банди 7 бўғинли, учунчиси 8 ва тўртинчи бандлари 5 бўғинли бўлиб, б-а, ба тарзида қофияланган.

Қуйидаги мақол ҳам худди ана шундай шаклдаги мақоллар сирасига киради:

**Қор ёғди деб севинма,
Қировлари бор.
Сўфи келди деб суюнма,
Сўровлари бор.**

/494-бет/

Учлик мақолларда эса гоҳида а-а-а тарзида қофияланган мақоллар ҳам учрайди.
Масалан,

**Сўз кўрки –мақол,
Гузар кўрки- баққол
Йигит кўрки-соқол.**

Ушбу мақолда мақол, баққол, соқол сўзлари ўзаро қофия қилинган. Қолаверса, сўзлар фақат биргина ҳарфини алмаштириш орқали янги маъно англатишга хизмат қилган.

**Боғни боқсанг – боғ бўлур,
Ботмон дехсар ёғ бўлур.
Боқимсиз боғ тоғ бўлур,
Юрак-бағринг доғ бўлур. /25-бет/**

Мақол бармоқ системасининг етти бўғинли вазнда ёзилган. А-а-а-а шаклида қофияланган. Етти ҳижоли мисралар боғ, ёғ, тоғ, доғ сўзлари орқали оҳангдошлик касб этган. Қофиядош сўзларнинг ўзаги уйғун, фақат битта ҳарфни ўзгартириш орқали бошқа маъно ҳосил қилинган. Бу ерда такрорланиб келган бўлур сўзи радиф бўлиб, мақол ритмига путур етказмайди, аксинча муסיқийликни таъминлаган.

Қуйидаги мақол ҳам ана шундай бармоқ вазнининг етти бўғинида ёзилган:

**Чарх йигирсам пул бўлар,
Бошим даста гул бўлар.
Яхши-яхши йигитлар,
Эшигимга қул бўлар. /37-бет/**

Мақолда биринчи, иккинчи ва тўртинчи сатрлар пул, гул, қул сўзлари ёрдамида ўро қофияланган. Улар сўзи радифдир. Бу ерда учинчи қатордаги яхши-яхши йигитлар сўзининг такрорланиб келиши мақолнинг оҳангдорлигини таъминлаган. Бу ерда қофиянинг йўқлиги билинмайди.

**Ёмон билан йўлдош бўлсанг,
Ёмондан бурун ўласан.
Яхши билан сирдош бўлсанг,
Яхшилик билан унасан. /55-бет/**

Саккиз бўгиндан иборат бўлган ушбу мақолнинг қофияланиши бутунлай ўзгача. Масалан, биринчи сатр билан учинчи сатрдаги йўлдош-сирдош сўзлари қофияланган бўлса, бўлсанг сўзи радиф вазифасида келган. Ўласан-ўласан сўзлари иккинчи ва учинчи сатрларни қофиядош қилишга хизмат қилган.

**Орик деган ёмон той,
Ёзга чиқиб от бўлар.
Ёмонликни кўп қилса,
Яхши киши ёт бўлар. /67-бет/**

Ушбу мақолда иккинчи ва тўртинчи қатордаги от, ёт сўзлари қофия қилинган. Биринчи ва учинчи қатордаги сўзлар қофия хатоларига киради.

Мақоллар бешлик шаклида келганда улардаги қофияланиш қуйидагича бўлади:

**Ёмон отга ёл битса,
Ёнига турсук бойлатмас,
Ёмон ерга мол битса,
Ёнига қўшни йўлатмас,
Йўлатса ҳам тиндирмас. /57-бет/**

Мақолда биринчи сатр билан учинчи сатрдаги ёл-мол сўзлари сатрдаги бойлатмас, тўртинчи сатрдаги йўлатмас ва бешинчи сатрдаги тиндирмас сўзлари қофия қилинган. Мақол а-б-а-б-б тарзида қофияланган.

Кўпинча мақолларда ички ва ташқи қофиялар ҳам қўлланиладики, улар қуйидаги тарзда қофияланади:

**Ширин-ширин сўзласанг,
Илон инидан чиқар.
Аччиқ-аччиқ сўзласанг,
Мусулмон динидан чиқар. /86-бет/**

Бу ерда иккинчи ва тўртинчи қатордаги инидан-динидан сўзлари қофия қилинган. Ширин-ширин сўзлари эса унинг антоними бўлган аччиқ-аччиқ сўзларига қофия қилинган. Гарчи бу сўзлар оч қофия бўлса-да, мақолнинг оҳангдорлигини таъминлаб, унга алоҳида жозиба бахш этган.

**Эр йигит деб ким айтар,
Ёвда ялов йиқмаса.
Чечанлигин ким мақтар,
Довда уни чиқмаса. /143-бет/**

Бу мақолни тўлиқ қофияга мисол қилиш мумкин. Чунки мақолдаги айтар-мақтар, йиқмаса-чиқмаса сўзлари бир-бирига товуш жиҳатидан ҳам мос келган.

Қуйидаги мақолга эътибор берайлик:

Бераман деган қулига,

Чиқариб қўяди йўлига.

Оламан деган қулидан,

Тортиб олади қўлидан.

/194-бет/

Ушбу мақолдаги қофия қилинган сўзларнинг ўзаги, яъни қул-йўл-қўл сўзларидир. Эътибор қилган бўлсангиз, биринчи а иккинчи қаторда -га қўшимчаси, учинчи ва тўртинчи қаторда –дан қўшимчаси мақолнинг оҳангдорлигини таъминлашга хизмат қилган.

Халқ мақолларига бундай мисолларни яна қўплаб келтириш мумкин:

Аргумокда ёл йўқ деб,

Йўлга ташлаб кетманглар.

Эр йигитда мол йўқ деб,

Ёвга ташлаб кетманглар.

/215-бет/

Мақолдаги ёл-мол сўзлари ички қофия бўлса, ёлга-ёвга сўзлари ташқи қофиядир. Бу ерда иккита радиф ишлатилган: йўқ деб ва ташлаб кетманглар сўзлари.

Айрим ҳолларда эса санок сонлар қофия қилинган мақоллар ҳам учрайди:

Бир бўлган икки бўлмай қолмас,

Икки бўлган уч бўлмай қолмас.

Уч бўлган доим бўлмай қолмас. /215-бет/

Мақолда икки-уч доим сўзлари қилиб ишлатилган. Қолмас сўзи эса радифдир.

Демак, мақоллардаги қофияларда қофиядош сўзларнинг ўзаги уйғунлашмаслиги ҳам мумкин. Қофия фақат қўшимчаларнинг такрорланиши ёки айнан қўлланилган сўзларнинг такрорланиши натижасида юзага келтирилади. Лекин бу ҳол мақол ритмига путур етказмайди, аксинча, мусиқийлини таъминлашга хизмат қилади. Масалан,

Яхшига берсанг ошингни,

Яхшилар силар бошингни.

Ёмонга берсанг ошингни,

Итга ташлар бошингни.

/227-бет/

Мақолдаги ош-бош сўзларида –ни қўшимчаси ана шу вазифани адо этган.

Шавла кетса қўлингдан,

Кетганига рози бўл.

Обрў қолса ўзингда,

Хурсанд бўлиб тўйлар қил.

/323-бет/

Мақолда –дан ва –да қўшимчалари ҳолда л ундоши орқали қофияланиш қўлланилган. Боиси қўл ва ўз сўзлари бутунлай бошқа-бошқа ўзак сўзлардир.

Мақолларда а-а-а-а тарзидаги:

Бер, деди субҳон,

Бериб солди султон.

Берма деди субҳон,

Нимани берсин султон.

/355-бет/

Юқоридаги каби қофияланган мақоллардан ташқари а-а тарзидаги қофияланган иккиликлар кўп учрайди. Масалан,

Айрилмагин элингдан,

Қувват кетар белингдан.

/9-бет/

Мақол етти бўғинли бўлиб бармоқ ванида ёзилган.

Элингдан-белингдан сўзлари тўлиқ қофиядир. Чунки эл-бел сўзлари қофиядош ўзаклардан, -и эгалик қўшимчаси ва –дан қўшимчаси мақолнинг оҳангдорлигини таъминлаган. Ёки:

Ватани борнинг бахти бор,

Меҳнати борнинг тахти бор.

/9-бет/

Мақолини олиб кўрайлик. Бу ерда бахти-тахти сўзлари қофия қилинган.

Яхши йигит юрт тузар,

Ёмон йигит юрт бузар.

/27- бет/

Ушбу мақолдаги тузар-бузар сўзлари мақолда тўлиқ қофия вазифасини бажарган.

Ётган ётоғон бўлар,

Совуққа қатоғон бўлар.

/14-бет/

Мақолида ётоғон-қатоғон сўзлари қофия, бўлар сўзлари радиф вазифасида келган. Худди шундай ҳолатни қуйидаги мақолда ҳам кузатиш мумкин.

Жон куйдирмасанг жанона қайда,

Тоққа чиқмасанг дўлана қайда.

/27-бет/

Ёки:

Совут кийиб маракада жон берган,

Кетмон уриб кеча-кундуз жон берган.

/35-бет

мақолида ҳам а-а тарзида қофияланиши мумкин.

Халқ мақоллари шундай қофияланганки, улар худди қўшиққа ўхшайди. Масалан:

Қарасанг-боғман,

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, халқимиз яратган мақоллар мазмуни жихатидан чуқур бўлиши билан бирга бадиий жихатдан ҳам мукамалдир. Уларда гўзал ўхшатишлар, товушдошлик, муболағалар, мажозий образлар етакчи ўринни эгаллайди. “Она билан бола, гул билан лола” деган мақолда истиора бадиий санъати қўлланилган. Мақолнинг мазмунида она билан боланинг гул билан лолага ўхшателиши назарда тутилади. “Олим бўлсанг, олам сеники” мақолида “о”, “а”, “с” товушлари аллитерация-товушдошлик ҳолатини вужудга келтирган.

Энди “Бой бойга боқар, сув сойга оқар” мақолига диққат қилайлик. Бу мақолда “бойга” ва “сойга” сўзлари ички қофияни, “боқар” ва “оқар” сўзлари ташки қофияни ташкил қилади. Қизиғи шундаки, ҳар иккала қофиядош сўзларда ҳам фақат битта товушда фарқ сезилади. Бу эса мақолнинг бадиий жихатдан мукамаллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Айни чоғда “б”, “о”, “е”, “р”, “с” каби товушлар воситасида товушдошлик ҳолати вужудга келтирилган. Бундай қофияланиш халқ мақолларида кўплаб учрайди. “Бели боғлиқнинг дили боғлиқ”, “Кўклам-меҳнат билан кўркам”, “Ким ишлайди, ким тишлайди”, “Очкўз бойимас, ўғри тўймас”, “Савдогар, иши доим ҳийлагар”, “Қора кўнгил – яра кўнгил”, “Кўнгилнинг олasi- худонинг балоси”, “Элдаги гап- дилдаги гап”, “Ёт еб тўйгунча, дўст ўла ўлгунча”, “Ихлос-халос”, “Маслаҳатсиз иш- ўринсиз ташвиш” каби фақат бир қатордан иборат бўлган юзлаб мақолларда ҳам ўзига хос қофияланишни кузатамиз.

Халқ оғзаки бадиий ижоди намуналаридан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Зотан, халқнинг ўзи эҳтирос билан куйлаган ҳар бир поетик асар учун бундай ҳолат асосий хусусият саналади. “Санъатнинг жон томири, - деган эди Л.Н.Толстой – санъаткорнинг ўз предметига бўлган эҳтиросли муҳаббатидир. Мабодо шундай муҳаббат мавжуд бўлса, асар бошқа талабларга: мазмунга ва гўзаликка ҳам жавоб беради. Мазмунга шунинг учун жавоб берадики, арзимас нарсани эҳтирос билан севиб бўлмайди; гўзалликка эса шунинг учун монандки, санъаткор бирор предметни севар экан, сеvimли мундарижани энг яхши шаклда ифодалаш учун ҳеч қандай меҳнатни аямайди”.¹

Ҳар бир халқ ижодкори ўзи қуламоқчи, дoston ёки эртак қилиб айтмоқчи бўлган ҳаёт ҳодисаларини, танланган қахрамонларни эҳтирос билан севади. Шунинг учун ҳам асрлар оша сақланиб, ардоқланиб келинаётган халқ ижоди намуналарида образ ва тасвирлар ғоят куюқ поэтик бўёқларда берилган, унда илгари сурилган ғоя мантикий

¹ Письма Л.Н.Толстого. Т.И.М, 1910, с. 180

баркамол. Бу поэтик бўёқ ва мантикий баркамоллик эса ҳар бир асарда бадиий деталларнинг ўз ўрнида қўлланилиши, шеърий асарда ўйноқи, жозибали ритмнинг юзага келтирилиши орқали, яъни қофия орқали амалга оширилади.

Хуллас, бадиий жиҳатдан мукамаллик мақолларнинг асосий фазилатларидан бири ҳисобланади. Ўхшатиш, товушдошлик, сифатлаш, истиора, мажоз, қофия тасвир санъатлари кенг қўлланилганлиги билан улар ўқувчи диққатини ўзига жалб этади. Унга ёд бўлиб кетади. Ахир “Булбул чаманни севар, Одам-Ватанни”, “Ватан гадоси-кафан гадоси”, “Ватан учун ўлмоқ шараф”, “Ватан қадрини билмаган, ўз қадрини билмас”, “Диндан чиқсанг ҳам, элдан чиқма”, “Еридан айрилган етти йил йиғлар, элидан айрилган ўлгунча йиғлар”, “Киши юртида шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл”, “Она ернинг тупроғи, она сутидай азиз”, “Она юртинг-олтин бешигинг” каби мақоллар қон-қонимизга сингиб, оғзаки нутқимиздан жой олган. Биз уларга ҳар кун, ҳар соатда мурожаат қиламиз.

Мақоллар узоқ ўтмишда бўлгани каби бугунги кунда ҳам мустақилликка эришган ўзбек халқининг авлодини аجدодлар ҳавас қилган баркамол инсон даражасига етакловчи асосий тарбия воситаларидан бўлган бебаҳо сўз дурдоналаридир.

III БОБ

БИРИНЧИ ФАСЛ

ТОПИШМОҚЛАР – ФОЛЬКЛОРНИНГ МУСТАҚИЛ ЖАНРИ

Маълумки, топишмоқ асрлар давомида яратилиб, авлоддан-авлодга ўтиб, сайқал топиб келаётган фольклорнинг мустақил кичик жанридир. Топишмоқ жуда қадим замонларда вужудга келган. Баъзи топишмоқларнинг объекти, шакли мазмуни қадимийлигини озми-кўпми аниқлашга имкон беради.

Топишмоқ қадимда табиат, табиат ҳодисалари ва нарсаларни бир-бирига таққослаш, ўхшатиш орқали борлиқни, ундаги мавжуд нарсаларнинг моҳиятини кўпроқ белгилашга ёрдам берган. Кишилар қадим замонлардан бошлаб ҳозиргача аста-секин табиат ва жамиятидаги инсон учун фойдали ва зарарли бўлган ҳодисалар, жонли, жонсиз нарсалар, умуман ҳар хил объектларни ўз замони ва тушунчаси доирасида англаган ҳолда топишмоқ яратиб келганлар. Топишмоқ бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас, балки кун-бакун янги-янги топишмоқлар яратилиб, оммалашиб бормоқда.

Инсонга атроф-мухитдаги нарсаларнинг умумий, муштарак ва хусусий белгиларини ажратиб таққослаб, унинг энг нозик белгиларини яшириб айтиш учун объектив борлиқни сезиб, аъзолари орқали билиб идрок этиб, тасаввур ҳосил қилиб, умумлаштириш-таҳлил асосида фикрлаб, бошқаларга “жумбоқ” тақдим этиш кузатилади.

Фольклорнинг топишмоқ жанри катталар ва болалар учун бирдай фикрлашга, сезгилар орқали идрок этишни, борлиқни тасаввур қилишга, энг муҳими ва умумий ҳоссаларини жамлашга ундайди. Топишмоқ жавобини излаётганлар жумбоқдаги белгиларни солиштириш, таққослаш, уни борлиқдаги бошқа нарсалар, белгилари билан қиёслашга уринади. Сезгилар ҳамда кузатиш орқали олган маълумотларини онгида қайта тиклайди, белгининг бирор жихати, ҳаракати, шакл-шамойили, рангига кўра қиёсланишини аниқлайди, натижада ихтиёрсиз идрок ихтиёрий идрокка айланади. Топишмоқ матнининг ёрқин, ранг-баранг, хушоҳанглиги, аллитерация натижасида ҳосил қилинган ритм, сўзларнинг такрор қўлланилиши, зидланишли тушунчалар-антитезанинг мавжудлиги беихтиёр тингловчи диққатини жамлайди ва ихтиёрсиз идрок этилган матни ихтиёрий идрок асосида топишмоқ жавоби топилади.

Топишмоқнинг катталардагина эмас, балки бола психологиясининг ривожланишидаги муҳим ўрни, топишмоқни топиш, уни доимий ечиб бориш натижасида болада системали, давомли, режали идрок қилиш қобилияти, кузатувчанлик топишмоқни ечишдан аввалроқ ҳам мавжуд бўлади. Лекин бу қобилият топишмоқлар ёрдамида болада ҳаёт тажрибаси ва илмий билишнинг тараққий этишига олиб келади.

Топишмоқ – “муаммо”, “чистон”, “жумбоқ”, “луғз” деб номланиб, у турлича таърифланади. Яъни “топишмоқ конкрет предметни унинг келиб чиқиши, вазифаси ва ҳаёт диалектикасида билиб олиб, ифода этади,¹” топишмоқлар сўз образининг калитидир.

Инсон ҳамиша ўз авлодининг зийрак, яхши хотирали, тез фикрловчи ва зукко бўлишини истаган. Агар халқ дostonлари, эртакларини ўқисангиз, асар қаҳрамонлари турли жисмоний куч талаб қилса, иккинчиси ақл-идрок билан ҳал этилади. Жумладан, шундай эртақлар борки, уларда маъшуқа қизлар ўзлари турмушга чиқадиган йигитлар олдида шахмат ўйнаш, жумбоқли саволларга жавоб бериш шартини қўядилар. Улар орасида дунёда энг оғир нарса нима? Ким эрталаб тўрт оёқлаб, кундузи икки, кечқурун уч оёқда юради? Дунёда тўртта нарса йўқ; уларни айтинг. Нима учун дарахт соясида соябон тутиш керак? Отамнинг ўғли, лекин менинг акам ҳам, укам ҳам эмас. Ким экан у? каби жумбоқлар бор. Оғир нарса филга ёки китга ўхшайди. Аммо саволнинг жавоби от. Чунки

¹ Ҳомидий Х., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. Т., 1967. 225-бет.

фақат от югурганда, ерлар ларзага келади. Ёки одам гўдаклигида тўрт оёқлаб, ёшлигида икки оёқлаб, қариганда уч оёқлаб, яъни ҳасса билан юради. Дунёда тўртта нарса йўқ: осмоннинг устун, ҳовузнинг қопқоғи, ош пичоқнинг қини, кўрпанинг енги. Шунингдек, дарахт соясида дам олаётган одам қушларнинг чиқиндисидан асраниш учун соябон тутати каби жавобларни бериш кутилади. Аслини олганда, бу синовларнинг ҳаммаси ўзига хос топишмоқлардан иборатдир.

Халқимиз оғзаки ижоднинг кичик жанрларидан бири топишмоқлардир. Бу жанр кўпроқ болаларни кузатувчанликка, ҳаётни мукамалроқ билишга, синчковликка ва топқирликка ўргатиб, оғзаки нутқини ривожлантиради. Аммо топишмоқлар фольклорда фақат ёш болаларгагина тааллуқли деб ҳисоблаш тўғри эмас, чунки топишмоқ айтиш ва топиш мусобақаларида катталар ҳам қизиқиш билан иштирок этишади. Хатто олима З.Хусаинованининг маълумот беришича, узун қиш кечаларида урчуқ йигирган ва олача тўқиган хотинлар, Самарқанд атрофида бошқа қишлоқлардан тўйга келиб хонадонларга бўлинган меҳмонлар ўзаро чалдирмоқ /тез айтиш/, жумбоқ, яъни топишмоқ айтишишган. Ўтган замонларда топишмоқларни қиш фаслида узоқ кечаларни зерикмай ўтказиш учун айтганлар. Топишмоқ айтган одамнинг топишмоқ жавоби топилса, у мусобақада ютқазган, топилмаса, ғолиб чиққан ҳисобланган. Ҳар икки ҳолатда ҳам мағлуб бўлган тараф ё ғазал айтган, ёки бирон ҳайвонга тақлид қилиб овоз чиқарган, ё кўшиқ куйлаган, ёки бирон жисмоний иш қилган: сув олиб келган, қор қураган, эшик супурган ва ҳоказо.

Топишмоқлар халқ орасида жумбоқ, топмача, топ-топ, чўпчак, матал, масал, ушук атамалари билан ҳам атаб келингани маълум. Илмий асарларда “топишмоқ” термини “то” буйруқ феълига “иш” ҳаракат ҳосил қилувчи шакл ва “моқ” қўшимчаларини қўшиш орқал ҳосил бўлган деб кўрсатилади. Натижада “топишмоқ” сўзи халқ оғзаки ижодидаги алоҳида жанр номини билдирган. Кейинги пайтларда шевалардаги юқрида кўрсатилган атамалар деярли йўқолган. Асосан “топишмоқ” номи сақланиб қолган. Халқимиз орасида “Кичкина декча, ичи тўла михча”/анор/, “Отдан баланд, итдан паст”/эгар/, “Чопсанг чопилмайди, кўмсанг кўмилмайди”/соя/, каби машҳур топишмоқлар бор. Аммо “Қорагина попиш, деволга ёпиш”/калтақесак/, “Қизил юлғуннинг тагида Қизлархон опа ётибди”/қирғовул/, каби у қадар кенг оммалашмаган ва топиш анчайин мушкул бўлган топишмоқлар ҳам бор. Баъзан битта нарсага атаб бир неча топишмоқлар яратилган:

1. Ер тагида ҳўл гаврон.
2. Ер тагида ёғли қамчи.
3. Кўприк остида ёғли ҳасип.
4. Узун ичак, учи тугунчак.

Бу топишмоқларнинг ҳаммасида топилиши лозим бўлган нарса илондир. Матнларни диққат билан ўқисак, уларнинг моҳияти жиҳатидан бир-бирига жуда ўхшаш экани аниқ сезилиб туради. Шунингдек, битта топишмоқ матнига бир нечта нарса жавоб бўлиб келиши ҳам мумкин. Масалан, “Узун терак ичи ковак” топишмоғининг жавоби аслида қамиш ҳисобланади, аммо бу топишмоққа баъзан милтиқ баъзан мўри жавоб сифатида қабул қилинади: қамишнинг ичи коваклиги қувага, милтиққа, мўрига ўхшайди. Лекин барибир “Узун терак, ичи ковак” нинг ҳақиқий жавобида қамишлигича қолади. Чунки қува, милтиқ ва мўрининг ичи ковак бўлгани билан “узун терак” сўзларига у қадар мос қолмайди.

Топишмоқ айтиш мусобақасида яширинган нарсани аниқлаш учун бир неча саволлар бериш анъанаси ҳам бўлган. Жавоб ахтараётган тараф айтувчидан “жони борми-йўқми”, “Ейиладимми?”, “ўсадими, уста ясайдимми?” каби саволлар бериб нарса номини топишга уринган. Олима З.Хусаинова Наманган вилоятида яшовчи Муборак Убайдуллаева қизидан ёзиб олган бир матнда топишмоқ топа олмаган одам қандай сўзлар билан уялтирганини қайд этади. Мағлуб тараф шахар берган. Голиб тараф шахарни олган ўз жавобини беришда шундай деган: “шахар, унда бору мунда кел, келиб менинг қошимга йиқил, иккаламиз кетайлик. Сен ҳам кетабериб тап етиб бир халога тушдинг. Мен ҳам кета бериб, жаранг етиб бир тиллахонага тушдим. Бир девона: “Ҳей, дўст”, - деб келди. Мен бир оловкурак тилла чиқариб бердим, мени чол кўчада алқаб-алқаб кетди. Сен бордингу, чол қарғаб-қарғаб кетди. Мен ҳам бир отга миндим, сен бир яғир эшакка миндинг. Кунжарадан нон қилиб эшакнинг яғирига кунжарани тегизиб, ялаб-ялаб кетдинг. Мен бордим, шинни билан мураббога нонни тегизиб, ялаб-ялаб кетдим. Ҳай топмасанг, мен топай, оғзингга катта бир таппини ёпай. Унинг ўзи...”¹

Бировни камситувчи ўзига хос юқоридаги нутқ билан танишган одам топишмоқни топа олмаган кишини қанчалар қаттиқ дашном берилганига амин бўлади. Ундаги от-эшак, яғир-шинни сўзлари тазод /қаршилантириш/ тасвир воситаси сифатида келтирилган. Топишмоқ айтувчи ўзининг мавқеи уни топа олмаган адамдан қанчалар баланд эканини қайта-қайта таъкидлайди. Унинг устига бу гаплар бир уй одам ўртасида айтилишини ҳисобга олсак, вазият янада мураккаблашади. Шунинг учун топишмоқларнинг жавобини топиш инсоннинг ғурури, орияти билан боғлиқ бўлган. Бинобарин, ғалаба муваффақият, мағлубият эса катта ташвиш ҳисобланган.

¹ Хусаинова З. Ўзбек топишмоқлари. Т., “Фан”, 1966, 17-бет.

Бу эса мусобақа иштирокчиларини кўп маълумотларни ёдга сақлашга, ҳар бир сўзга эътибор беришга, айти пайтда қизиқ-қизиқ саволлар ўйлаб топишга ўргатган.

Топишмоқ айтишда шаҳар бериш аъъанаси бўлган. Жавоб топа олмаган тараф шаҳар бериб, ўзининг мағлуб эканини тан олган. Шаҳар сўзи араб тилидан олинган. З.Хусаинованинг ёзишча, бу сўз эълон қилиш, машҳур қилиш, маълум қилиш маъноларини англатган. Демак, шаҳар бериш сўзининг асл маъноси топишмоқ жавобини топа олмаган одамни маълум қилиш билан изоҳланади.

Халқ орасида яшаб келаётган топишмоқлар бир жумбоқли ва кўп жумбоқли бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган сабзи, илон жавоб ҳисобланган топишмоқлар бир жумбоқли. Уларда фақат битта нарсанинг белгилари ҳақида маълумот берилган. Шундай топишмоқ намуналари ҳам борки, матнда бир нечта нарса топиш талаб қилинади. Масалан:

- Тоғда талаймонни кўрдим,
- Сувда сулаймонни кўрдим.
- Тузсиз пишган ошни кўрдим,
- Юмалаб кетган тошни кўрдим.

Бу топишмоқнинг жавоби бўри, балиқ, сумалақ, ва тошбақа.

Кўп сатрли ва кўп предметли топишмоқлар орасида шундайлари борки, улар предметнинг хусусиятларини характерлаш ҳисобига эмас, балки жумбоқланган нарсаларнинг ҳар бирини топиш ҳисобига катта ҳажмга эга бўлади. Бу типдаги топишмоқлар асосан бир предметли топишмоқларнинг хусусиятларини ўзига жамлаб олиш натижасида юзага келган. Масалан:

Узун-узун ҳамён,
Уни топинг, дилбарим.
Ундан узун ҳамён,
Уни топинг дилбарим.
Йўл устида ит полвон,
Уни топинг дилбарим.
Қамиш учи қалтироқ
Уни топинг дилбарим.
Игна учи ялтироқ
Уни топинг дилбарим.

Топишмоқнинг жавоби қуйидагича:

Узун-узун ҳамён

**Йўл дегани эмасми.
Ундан узун ҳамён,
Сув дегани эмасми,
Йўл устида ит полвон
Бақа дегани эмасми.
Қамиш учи қалтироқ,
Шамол дегани эмасми.
Игна учи ялтироқ
Ўқ дегани эмасми.¹**

Топишмоқлар ҳақида илмий тадқиқот ишлари олиб борган З.Хусаинова баъзи топишмоқларда истиора санъати қўллаилмаслиги, фақат арифметик ҳисоблаш орқали жавоб топилишини айтиб ўтади. Масалан: “Бир тўда ғоз учиб борар экан. Бир ғоз рўпара келиб: “Эй юз ғоз, соғ-саломат бормисан” - дебди. Унда улардан бири айтибди: “Биз юз ғоз эмасми, яна биз миқдори ғоз бўлса у вақтда сен қўшилсанг юз ғоз бўламиз”, - дебди. Ҳаводаги ғоз қанча экан?

Жавоби: $36/36 + 36+18+9+1/= 100$

Ўзбек топишмоқларининг бугунги кунда бизгача етиб келган матнларини яратилган даври жиҳатидан икки хил намуналар борлигини тасдиқлайди. Кўпчилик асарлар анъанавий топишмоқлардан иборат.

Уларнинг тили ҳам, яширинган нарса ҳам аксари маиший ҳаётда учрайдиган предметлардан иборат бўлади. Жумладан, мўри, қозон, ўчоқ, бақа, қушлар ва ҳокозолар ана шундай намуналар қаторига киради. Масалан:

**Ямоғи бор, йиртиғи йўқ,
Қайчиламай кийган
Игналамай тиккан /Ола сигир териси/.**

XX асрда фан-техника тараққиёти билан янги топишмоқлар ҳам яратилди. Уларда китоб, радио, телефон, самолёт каби нарсаларни топшиш талаб қилинади. Масалан:

**Ўзи оддий бир карнай,
Тили йўқ, сўзлар ҳай-ҳай.
Дунёнинг тўрт бурчидан,
Хабар боради тинмай. /Радио/**

¹ Топишмоқлар Т., 1981, 340-бет.

Яна шундай бир топишмоқ типи борки, унда маълумот предметлар назарда тутилган ҳолда бошқа нарсаларга ўхшатилмайд, таққосламайд ва белгилари ҳам айтилмайд, жумбоқли қанча предмет назарда тутилса, ўша сон бир жумбоқ ҳисобланад. Савол қисми саноқ билан айтилади. Масалан: “Бирдан ўн биргача сананг!”, “Ўн бир қора бир жумбоқ!” яъни айтиладиган предметлар “бир қора” ҳаммаси бир топишмоқ маъносида. Бунда ҳар бир сонга бир предмет қўшиб саналад. Ундаги ҳар бир соннинг бошланғич товушига кейинги предмет номининг биринчи товуши мос келиши – аллитерация юзага келади:

Бирим –билагим,

Экким – элагим.

Учим – ичагим.

Тўргим – тўшагим,

Бешим –бешигим,

Олтим – ошигим,

Егтим – етовим,

Саккизим –саркам,

Тўккизим – тоқлигим,

Ўним – ўймоғим.

Бундай саноқ сонли топишмоқ бошқа халқларда ҳам учрайди. Аммо бунга ўхшаш предметлар уларда топишмоқ бўлмайд, балки ўйин таркибига киради. Ўзбек халқида саволга жавоб бериш йўли билан айтилганлиги сабабли ҳам улар топишмоқ саналади.

Топишмоқ – дoston ва эртақлар ичида кўп учрайди. Бу нарса айниқса эртаққа характерлидир. Бу жанрлар таркибидаги топишмоқ орқали эртақ персонажларидаги ақл-заковат, фаросат, донолик, топқирлик, ҳозиржавоблик синалади. Топишмоқ аралашган эртақлар икки хил тузилишга эга: бири топишмоқли эртақлар.

Бунда топишмоқ эртақ ичида келади. Иккинчиси – эртақ топишмоқ. Бундай эртақ бутун сюжети билан топишмоқ асосида курилади. Шунинг учун ҳам эртақ топишмоқлар одатда қисқа шаклда айтилади. Эртақ топишмоқлар бошидан охиригача эртақ жанрига хос мазмун ва формани сақлаган ҳолда ҳамма вақт бирор топишмоқ асосида тузилган бўлади. Эртақдан топишмоқни олиб ташлаб бўлмайд. Топишмоқ олиб ташланса, эртақнинг ўзи ҳам қолмайд. Мана шундай эртақ топишмоқлардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Шундай қилиб, топишмоқлар халқ оғзаки ижодининг кичик жанрларидан бири бўлиб, моҳият жиҳатидан миллат вакиллариининг зийрак, синчков, кузатувчан бўлишлари

учун хизмат қилади. Топишмоқлар халқ ҳаётида маълум эътиборга эга бўлган нарсалар предметлар номини топишга бағишланади ва аҳамиятли ҳисобланади.

ИККИНЧИ ФАСЛ

ТОПИШМОҚЛАР БАДИИЯТИ

Халқ топишмоқлари бадиий жиҳатидан ҳам юксак сўз санъати намунаси ҳисобланади. Улар бадиий тасвир воситаларининг шаклланилиши жиҳатидан бой ва рангбаранг ҳисобланади. Аввало айтиш керакки, шакл жиҳатидан топишмоқлар мақоллар каби ихчамдир. Айрим олимлар таъкидлашича, топишмоқ ва мақолларнинг яратилиши давр жиҳатидан бир-бири билан у қадар фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам асрлар давомида матни қайта-қайта ишланганда топишмоқларнинг бадиияти мукаммал даражага етган. Топишмоқ жанрининг асосий тасвир воситаси метафора, яъни истиора экани айтилади. Демак, аския жанрини илҳом санъатисиз, топишмоқларни истиорасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бу жанрда халқ оғзаки ижодидаги бошқа турларда учрамайдиган тасвир воситалари бор. Ҳатто мазкур санъатнинг аниқ номи ҳам фольклоршуносликда қайд этилган. Фақат айрим белгилари билан уни талмеҳ санъатига яқин дейиш мукин, маълумки, талмеҳ қаратмоқ маъносини англатади. Унда халқ тарихидаги машҳур исмлар, жойлар ёки воқеалар эслаб ўтилади:

Масалан:

Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси,

Насиб етмиш менга гулшан аро гулларнинг Раъноси.

Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан олинган Анварнинг шеърида Фарҳод, Ширин, Мажнун, Лайло талмеҳ санъатига мисол бўлади. Топишмоқларда ҳам турли муносабатлар билан бирга турли исмлар учрайди. Уларнинг тарихан машҳурлиги қайд этилмаган. Аммо матнларда бу исмлар, албатта, қандайдир маъно касб этади ва шартли равишда талмеҳ санъатига яқин туради.

Масалан:

Сарибой акам ичкари,

Соқоллари ташқари. /сабзи, маккажўхори/

Топишмоқдаги “Сарибой акам” бир томондан сариқ сўзини эслатади ва сабзи, маккажўхорини топиш учун белги вазифасини ўтайди. Шунингдек, “Токчама-токча,

Саматжон бойвачча” /сичқон/, “Осмони ресмон, Мулла Абдурахмон - беустихон” /бит/ каби матнларда ҳам исмлар учрайди. Тахмин қилиб айтиш мумкинки, шундай намуналар қайд этилган худуларда исмлар топишмоқ айтувчилар ўртасида машҳур бўлган бўлиши мумкин.

Маълумки, бадиий тасвир воситалари қаторида истиора санъати ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Истиора сўзи “кўчим” маъносини беради. Агар биз дўстга нисбатан “Менинг арслондек дўстим бор” десак, ўхшатиш санъатини қўллаган бўламиз. Аммо “дек” қўшимчасини ва “дўстим” сўзини қолдириб, “арслоним бор” десак, истиора санъати яратилади. Топишмоқларда ана шу санъат етакчилиқ қилади. Чунки бирон нарса иккинчи бир нарсага истиора санъати воситасида ўхшатилади ва энг муҳим хусусиятлари ҳақида маълумот берилади.

Масалан: “Ер тагида олтин қозик” топишмоғини олайлиқ. Бу топишмоқ матнида яширинган нарсанинг учта муҳим белгиси қайд этилган:

1. Ер остида экани.
2. Олтиннинг рангида яъни сариқ экани.
3. Қозикқа ўхшатилиши

Бу белгилар орқали биз топишмоқнинг жавоби сабзи эканини топамиз. Матндаги “қозик” сўзи эса истиора санъатига мисол бўлиб келган. Топишмоқлар шакл жиҳатидан насрий ва шеърий бўлади.

1. Томдан тухум иргитдим – Дол насрий топишмоқ.

2. У ёққа ўтдим билдингми?

Бу ёққа ўтдим билдингми?

Оқ қуврайнинг бошини,

Чертиб ўтдим билдингми? /шамол/ шеърий топишмоқ.

Топишмоқлардаги динамик ҳаракат, фонетик оҳангдорлиқ, ўзига хос ритм синтактик – стилистик фигуралар ёрдамида шаклланади. Антитеза, эллипсис, санаш усуллари, градация топишмоқ матнининг экспрессив-эмоционаллигини оширади. Компонентларининг ўзаро муносабатига кўра топишмоқлар бир неча турга бўлинади.

1. Антитеза топишмоқлар қарама-қарши маъноли сўзлар ёрдамида ҳосил бўлади: Тирик келиб ўлиқдан ош сўради., ўлиқ туриб тирикни бўғиб олди. Бу топишмоқ ўлиқ-қопқон, тирик-сичқон, бунда ўлиқ-тирик антонимлари топишмоқнинг жавоби - қопқон ва сичқон билан контекстуал синоним ҳисобланади.

2. Такрор орқали тузилган топишмоқлар. Эшагим кудукқа тушиб кетди.

Думидан ушласам, юлиниб кетди. Бу топишмоқда майиз чўпини юлиниши, сўнг оғизга олиниши образли тасвирланган.

3. Мураккаб таркибли топишмоқлар градация усулидан фойдаланиб, бир-бирига боғлиқ нарсаларнинг яширинган ҳолати изма-из баён қилинади.: Бу толнинг ўн икки шохи бор, Ҳар шохида тўрттадан уя бор, Ҳар уяда еттидан тухум бор, Ҳар тухумнинг ярми қора, ярми оппоқдир, топган бўлсанг /йил, ўн икки ой, ҳафта, кеча-кундуз/.

Топишмоқларнинг бадиияти пишиқ-пухталиги, унда турли бадиий восита ва усулларнинг қўлланилиши топишмоқ матнининг таъсирчанлигини оширади, тингловчиларнинг ва болаларнинг фикрлаш малакасини ўстириб, уларнинг зийрак, топқир, ҳозиржавоб бўлишига ёрдам беради.

ХУЛОСА

Халқ оғзаки ижоди — бебаҳо чашма, халқ оғзаки ижоди намуналарига баҳо берганда, Юртбошимизнинг “Алпомиш” достонига берган юксак баҳосини, бу достонни қаҳрамонлик қўшиғи деб атаганлигини бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-момот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини доимо сақлаган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топганлиги ҳақидаги пурҳикмат сўзларини яна бир тилга олмай бўлмайди. Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганларидек, бу достон бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз

кўрғонини кўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

Ҳа, халқ оғзаки ижоди намуналари ана шундай буюк ва бебаҳодир. Масалан, биргина фольклорнинг ихчам шакл, аммо теран мазмунига эга бўлган мақол жанрини олиб кўрайлик. Ҳар бири тилимиз кўркини, нутқимиз нафосатини, ақл-заковат ва тафаккуримиз мантиқини ҳайратомуз қудрат билан намойиш этган эга оладиган бундай бадиият қатралари халқимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари ва маиший турмуш тарзининг бамисоли бир ойнасидир. Бу бадиий ойнада унинг ҳаётга, табиатга, инсон, оила ва жамиятга муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик ва фалсафий қарашлари тўла намоён бўлган. Шунинг учун ҳам мақоллар ғоятда кенг тарқалган бўлиб, асрлар давомида жонли сўзлашув ва ўзаро нутқий муносабатларда, бадиий, тарихий ва илмий асарларда, сиёсий ва публицистик адабиётда доимий равишда қўлланилиб келган ва қўлланилмоқда. Йиллараро, даврлараро уларнинг янгилари яратилиб турган, эскиларининг — жонли муомалада, тилда мавжудларининг маъно доираси кенгайиб ёки торайиб борган. Ҳатто уларнинг муайян қисми унутилиб кетган. Чунки ўзбек халқининг бундай улкан фольклор мероси фольклористик нуқтаи назардан кейинги асрларгача деярли тўпланмай ва ўрганилмай келинган. Бундай халқ мақоллари ўтмиш адиблари, шоирлари, тарихчилари эътиборидан мутлақо четда экан, деган хулоса чиқармаслигимиз керак. Мақолга адабий нуқтаи назардан қизиқиш асар бадиийлигини ва бадиий тил равонлигини таъминлаш учун ундан фойдаланиш ҳамма замон сўз санъаткорларининг диққат марказида бўлган. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Абдулғози Баҳодирхон, Мунис, Огаҳий, Нодира, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар, Ҳамза, Садриддин Айний, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов, Омон Мухтор, Тоғай Мурод ва бошқа ўнлаб ижодкорларнинг асарлари синчиклаб ўрганилса, уларнинг таркибида қанчадан-қанча мақоллар баъзан айнан, баъзан, ўзгарган ҳолда мавжудлигини кўрамыз.

Тарихимизда ҳатто махсус, агар таъбир жоиз бўлса, фольклористик нуқтаи назардан, гарчи эпизодик характерда бўлсада, муносабатда бўлинган ҳолларга дуч келамиз. XI асрнинг улкан тилшунос олими, фольклоршунос ва этнограф Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари бунга ёрқин мисол бўла олади. “Девон”да турли муносабатлар билан туркий халқлар орасида кенг тарқалган 400 га яқин мақол ва маталлар ҳам келтирилганки, уларнинг аксарияти бугун ҳам айрим ўзгаришлар билан тилимизда муваффақиятли қўлланилмоқда. Муҳаммад Шариф Гулханийнинг

“Зарбулмасал” асари таркибида 300 дан ортиқ мақоллар қўлланилганлигини фахр билан таъкидлашимиз мумкин.

Мақоллар кўп асрлик ҳаётий тажрибалар, доимий кундалик кузатишлар, хулосани тугал фикр тарзида қутбийликда ифодалар экан, уларда ҳар бир сўзнинг маъно хилма-хиллиги, ибораларнинг турғунлиги, шаклий барқарорлик устунлик қилишини кўрамиз.

Мақол араб тилидаги “қавлун” сўзидан тортиш жараёнида уларнинг бадиий жиҳатдан ҳам ўта мукамаллигига ишонч ҳосил қилдик. Айниқса мақолларда қўлланилган қофия санъати эътиборга моликдир. Бир сатрдан тортиб беш ёки олти қаторгача бўлган мақоллар асосан бармоқ вазнида ёзилган. Мақоллар а-а, а-б, а-а-а-ба каби шаклларда қофияланган. Масалан, қуйидаги мақолни олиб кўрайлик:

**Қирқ юзнинг боласи,
Ўн тўртида бош бўлар.
Чайирликнинг боласи,
Ўн саккизда ёш бўлар.**

а-б, а-б тарзида қофияланган ушбу мақолда боласи, бош, ёш сўзлари қофия, бўлар сўзи радиф вазифасида келган.

**Ёлғон ёндирар,
Ҳақиқат қондирар.**

мақолида ёндирар, қондирар сўзлари қофия қилиб ишлатилган.

Мақолларда гўзал ўхшатишлар, товущошлик, муболағалар, мажозий образлар етакчи ўринни эгаллайди. Айниқса, халқ мақолларининг қофияланиши характерлидир. Масалан, “Бой бойга боқар, сув сойга оқар” мақолини олиб кўрайлик. Бу мақолда “бойга” ва “сойга” сўзлари ички қофияни, “боқар” ва “оқар” сўзлари ташқи қофияни ташкил этади. Қизиғи шундаки, ҳар иккала қофиядош сўзларда ҳам фақат битта товуща фарқ сезилади. Бу эса мақолнинг бадиий жиҳатдан мукамаллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Топишмоқлар асрлар давомида яратилиб, авлоддан-авлодга ўтиб, сайқал топиб келаётган фольклорнинг мустақил жанридир. Маълумки, топишмоқ кўнгилхушлик ёки фақат эрмак учун эмас балки топишмоқ орқали атроф, муҳит, табиат яқиндан таништирилиши билан бирга ақл-заковат, зехн, фикр ўткирлигини синаш қуроли ҳамдир. Чунки топишмоқ кишиларни ҳозиржавобликка ўргатади.

Топишмоқ халқ ижодининг бошқа жанрлари: достон, эртак, қўшиқ, мақол каби халқнинг маънавий бойлигини жамоа ижод маҳсулидир. У инсон, ижтимоий ҳаёт, табиат ҳодисаларининг мавжуд барча томонлари билан кенг боғланган бўлиб, ҳамма вақт реал

заминга асосланади. Унда атрофимизни қуршаб турган реал, моддий дунёдаги турли объектлар акс этади. Ҳар бир топишмоқ ўзига хос шакл ва мазмунга эга бўлган мустақил бир бутун бадиий асардир. Унда фалсафий, тарихий этнографик белгилар, тушунчалар, ходисаларнинг моҳияти гўзал образли ифодаларда акс этади.

Халқ топишмоқларида тазод /қаршилантириш / санъати намуналари ҳам учрайди:

Ош ичида тош,

Тош ичида ош. /сумалак, тошбақа/

Бу матнда қофия санъатининг мураккаб кўриниши тарсеъ /мисралардаги ҳамма сўзларнинг қофияланиши/ ҳам ўрин олган.

Топишмоқларнинг матнида асосий эътибор, мақсад мазмунга қаратилади. Аммо шеърий топишмоқларда сўзларнинг танлашига алоҳида эътибор берилган.

Олти тегирмон тоши,

Олтин эгарнинг қоши.

Уни топган кишининг

Юз йигирмада ёши. /тиш /

Эътибор берсак, “тош”, “қош”, “ёш” фақат бир товуш билангина фарқланувчи шаклдош сўзлардан иборатдир. Топишмоқлардаги бундай фазилят уларнинг сўз санъатида тал;абларига тўлиқ жавоб бера олишини таъминлайди.

Халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган мақол, матал ва топишмоқлардан бундай гўзал мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, халқ оғзаки ижоди намуналари миллий кадриятларимизнинг таркибий қисми сифатида ёш авлодни тарбиялашда халқ педагогикасининг асосини тшkil этади. Давлатимиз томонидан миллий мафкурага бўлган эътиборнинг салмоқли қисми оғзаки ижодимиздаги санъат намуналари билан бевосита алоқадордир. Чунки халқ оғзаки ижоди дурдоналари фарзандлар қалбида ватанпарварлик, халқпарварлик, меҳнатсеварлик, эзгулик, саҳийлик, илм-хунарга муҳаббат туйғуларини шакллантириш билан бирга ахлоқий жиҳатдан ҳам гўзал инсон бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., “Ўзбекистон”, 1998.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкуриси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат қилсин. “Тафаккур” журналі, 1998, 2-сон.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. “Маънавият”, 2008, 32-33- бетлар.
4. Анисимов А.Ф. Духовная жизнь первобытного общества. М.,-Л., 1966, С.51.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., Шарқ, 1997.
6. Жирмунский. М. Зарипов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. М., 1947.
7. Толстов С. П Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т., 1964
8. Косвен М.О Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Т., 1960
9. Ҳоди Зариф. Фольклор ва археология материалларини қиёсий ўрганиш масаласига доир.
10. Соколова З.П. Культ животных в религия. М., 1972.
11. Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Т., 1960.
12. Косвен М.О. Семейная община и петронимия. М., 1961.
13. Мелетинский Е.М. Герой волшебной сказки. М., 1968.
14. Жирмунский В.М. Сказание об Алпамыше и богатырская сказка. М., 1960.
15. Новиков Н.В. Образы восточно славянской волшебной сказки. Л., 1974.
16. Анисимов А.Ф. Духовная жизнь первобытного общества. М.Л. 1966.
17. Қажумов А. Қадимият обидалари. Т., 1972.
18. Мелитинский Е. Происхождение эпоса М., 1963.
19. Снесаров Г. Реликви домусъёманских верований и обрядов у узбеков Хорезма М., 1969.
20. Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг жанрлари состави. Ўзбек фольклори очерклари. 1-жилд. Т, 1988.
21. Саримсоқов Б. Мақоллар. Ўзбек фольклорининг очерклари. 1-жилд. Т., 1988
22. Хусаинова З. Ўзбек топишмоқлари. Т., “Фан”, 1966.
23. Дилшод Ражабов. Ўзбек халқ шеър тузилишида қофия ва унинг унсурлари/ “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2003, 6.
24. Фармон Райҳонов. Халқ ижоди ритм ва қофия /“Ўзбек тили ва адабиёти”/1980, 1-сон
25. Содик Мирзаев. Ўзбек адабиётида қофия /“Ўзбек тили ва адабиёти”/ 1972, 5-сон

26. Дилафруз Йўлдошева Болалар нуткида топишмоқлар/ “Ўзбек тили ва адабиёти”/ 2000, 1-сон
27. М.Сапарниёзова. Ўзбек халқ топишмоқларида гап бўлаклари тартиби /”Ўзбек тили ва адабиёти”/ 2005, 3с.
28. Умида Қобулова. Топишмоқларнинг структур таҳлили /Ўзбек тили ва адабиёти/, 2005, 4-сон.
29. Хурсанд Шарофиддинов Ўзбек шеъриятида қофия ва урғу муносабати “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1998, 5-сон.